

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ТАРКИБИЙ ҖАЙТА  
ТУЗИШ АГЕНТЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ  
ҖАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

**O'ZBEKISTON BIZNES INKUBATORLARI VA TEXNOPARKLARI  
ASSOTSIAZIYASI**

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
“EKSPRES-TEXNOLOG” КОРХОНАСИ**

**“INTELLEKT MANAGEMENT» КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ**

**Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга  
қарши курашиш бўйича Халқаро меҳнат  
ташкilotининг конвенцияларига, миллий  
меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга ҳамда  
Гендер тенгликка амал қилиш**

**УҮК: 349.2-53.2**

**КБК: 405(5Ү)**

**Б.83**

**Н. Маматов**

**Б83** Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши курашиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига, миллий меъёрий-хукуқий хужжатларга ҳамда Гендер тенгликка амал қилиш.

Ўқув қўлланма. Навоий: Алишер Навоий номли нашриёт, 2016. 62 б.

**ISBN 978-9943-4390-4-7**

**Тузувчи:**

Н.Маматов

Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Қўлланма Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-кувватлаш. II босқич” лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Қўлланма Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Илмий кенгашида 2015 йил 30 ноябрда нашр этишга тавсия этилган.

Қўлланма “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-кувватлаш. II босқич” лойиҳаси доирасида лойиҳа вилоятларида дехқон, фермер хўжаликлари вакиллари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ходимлари, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ўкувчиларига ўкув-семинарлар ўтказиш учун мўлжалланган.

**УҮК: 349.2-53.2**

**КБК: 67.405.(5Ү)**

**67.412.2**

**60.5 (5Ү)**

ISBN 978-9943-4390-4-7

© Н.Маматов, 2016.

© Алишер Навоий номли нашриёт, 2016.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш ..... 4

1.	Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳамкорлиги ва улар томонидан олиб борилаётган ишлар .....	7
2.	Болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Мехнат Ташкилотининг конвенциялари .....	13
3.	Мажбурий меҳнат ва улардан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Мехнат Ташкилотининг конвенциялари .....	20
4.	Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши кураш бўйича миллий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётийлашиши – давр талаби ...	34
5.	Гендер тенглиги ва ҳаёт .....	40

## **КИРИШ**

Ўзбекистоннинг келажаги буюқ, демократик, хукукий давлат эканлигини ўтаётган йигирма тўрт йилдан ортиқ тарихий давр тасдиқлаб турибди. Мамлакатда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва хукуqlарининг бутун дунё тан олган қоидалари тобора кўпроқ қарор топмоқда. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ҳамда миллий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, гендер тенглигига амал қилишга ҳаракат кун сайин ортиб бормоқда.

Мустақилликка эришган давлатлар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ратификация қилинди. Ратификация қилинган конвенциялар орасида “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги, “Энг кичик ёш тўғрисида”ги, “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги, “Мажбурий меҳнатни тақиқлаш тўғрисида”ги, “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги, “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги конвенцияларнинг ратификация қилиниши мамлакатда баҳт кўрсаткичининг тобора ортиб боришида муҳим заминлардан бири бўлди. Натижада юртимиз жаҳоннинг 158 та мамлакати орасида мазкур кўрсаткичнинг 44-поғонасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Бундан ташқари, яқинда Швейцарияда жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланиётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий тараққиёт” прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон бешинчи ўринда қайд этилгани халқимиз қалбида фурур ҳиссини уйғотади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар,

мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг давом эттирилаётганлиги ва чуқурлашаётганлиги туфайли барча жабҳалардаги сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта ютуқлар кўлга киритилмоқда.

“Бугунги кунда умумхалқ бойлиги бўлмиш ерни ижарага олган, бу ерга ўз мулки ва хизматини қўшган, замонавий техникага эга бўлган фермер хўжаликлари – нафақат қишлоқ хўжалигимизнинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқ келажагини, тараққиётини ўз масъулиятига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир,” – деб баҳо беради Юртбошимиз “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли китобларида.

Катта истиқболга эга бўлган, ҳозирги вактда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз ахолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини оширишда карвонбошилик қилмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқда ўсиб-унаётган йигит-қизларимизнинг шаклланишида фермер меҳнати, турмуш тарзи, дунёқараши, уларнинг оиласи макони анъаналари, болаларининг соғ-саломатлиги, таълим-тарбиясига ғамхўрлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликларида болалар меҳнатидан фойдаланиш, мажбурий меҳнат, гендер масалалари ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Болалар меҳнатидан фойдаланиш масаласини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода фермер хўжаликларида болалар меҳнатидан фойдаланиш деганда хўжаликда шу хўжалик эгаси бўлган фермер болаларининг меҳнат қилиши ҳам тушунилади. Бу ўринда биз икки ҳолатни бир-биридан фарқламоғимиз лозим.

Биринчидан, фермернинг фарзанди отасининг

хўжалигида меҳнат қилганида ўз хўжалигида ўзи учун меҳнат қилаётганлиги, меҳнатдан келаётган даромад ўзининг оиласига келаётган даромад эканлигини тушуна бошлайди ва унда қилаётган ишига нисбатан қизиқиши, манфаатдорлик ва жавобгарлик ошиб бораверади. Мазкур жараёнда у ўзи қилаётган меҳнатни ўзи назорат қилиб боради.

Иккинчидан, фермер фарзандларининг фермада қилаётган меҳнати меҳнат тарбияси нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ёши катта одамлар билан биргалиқда маълум бир ишларни бажариш ўзига хос тарбия мактабини ўтайди. Бунда ишлаётган ходимларнинг бирортаси унга маълум бир ишларни бажариш бўйича намуна бўлиб қолади, жамоадаги меҳнат интизоми унда жавобгарлик ва бурч ҳиссисини оширади. Хўжалиқдаги ишбилармон мутахассисларнинг фаолияти уларда ишбилармонлик кўнижмасини шакллантиради, хўжалиқдаги меҳнат тақсимоти ва ижро интизоми бирлиги болаларда ижро ва назоратга алоқадор бўлган малакаларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Фермер хўжаликларида мажбурий меҳнат хақида гап кетганда икки тафовутни кўриб чиқиши керак бўлади. Биринчидан, мамлакатимизда нафақат фермер хўжалигида, балки барча ишлаб чиқариш тармоқларида мажбурий меҳнат ҳуқуқий нуқтаи назардан ман қилинган. Иккинчидан, турли хил оилавий ва бошқа шарт-шароитларга кўра аҳолининг айрим гуруҳлари фермер хўжаликларининг маълум бир мавсумий ишларига ўзларини жалб қилишлари назарда тутилади. Бу нарсага об-ҳаво шароитлари оғир бўлган ёки иш вақтидан кейин қолиб бажариладиган ва шунга ўхшаш бир қатор меҳнат турлари кирадики, уларда асосан, ходимнинг ўз хоҳиши белгиловчилик ролини ўйнайди.

Албатта, фермер хўжаликларида гендер муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу борада жамиятимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тадбирлар мамлакатда фуқаролик жамиятини

шакллантириш жараёнига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараённинг кўлами ва аҳамиятини ошириш қишлоқ хўжалигида хизмат қилаётган хотин-қизларимизнинг мавжуд хуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш малакасига эгалиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда, фермер хўжаликларида меҳнатга муносабат, меҳнат муҳофазаси масалалари тобора инсонпарварлашиб бораётган жараёндир. Мазкур жараённинг мазмуни Ўзбекистон фермерининг онги, тафаккури, саводхонлиги ва маданияти ошиб бориши билан узвий боғлиқ. Бу ўринда уларнинг малакасини ошириш, уларда мустақил суръатда қасбига, меҳнатни ташкил этиш ва бир талай ижтимоий масалаларни ҳал этишга нисбатан мустақил ахборотлар олиш, уларни таҳлил қилиш малакасини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

## **ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ВА УЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР.**

Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) га 1992 йил 13 июлда аъзо бўлиб кирди. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Бу, биринчи навбатда, ушбу ташкилотнинг ўзига хос фаолияти билан боғлиқdir.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўзига хос фаолияти шундаки, бошқа ҳукуматлараро тузилмалардан фарқ қилиб, у ҳар бир мамлакатдан ҳукумат, тадбиркорлар ва меҳнаткашлардан иборат уч томонлама вакиллик асосида фаолият кўрсатади. Унинг барча бошқарув органларида ҳукумат, касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг вакиллари иштирок этади.

Мазкур ташкилотнинг ўзига хосликлари яна

қўйидагиларда акс этади: ташкилотга аъзо давлатлар ХМТ Уставининг 22-моддасига мувофиқ, ўзлари қўшилган ва ратификация қилган конвенцияларнинг ижроси бўйича йиллик ҳисобот, 19-моддасига кўра ратификация қилиб улгурмаган конвенциялар буйича бажарилаётган ишлар юзасидан ҳам ҳисобот топшириши лозим. Бундан ташқари, аъзо давлатнинг мазкур ташкилотдан чиқиши ёки аъзолигининг тўхтатилиши унинг ташкилот доирасидаги ўзи қўшилган конвенциялардан келиб чиқадиган мажбуриятларидан халос қilmайди (*ex abundante cautela*).

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Мехнат Ташкилоти билан ҳамкорлиги бир неча шаклларда намоён бўлади.

Институционал ҳамкорлик ва доимий мулоқотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг олий органи - Халқаро меҳнат конференциясининг бир йилда бир маротаба бўлиб ўтадиган сессияларида иштирок этиб келади.

Ташкилотнинг 2010 йил 2-18 июнь кунлари бўлиб ўтган 99-сессиясида Ўзбекистон делегацияси биринчи маротаба уч томонлама таркибда: Ҳукумат, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вакилларидан иборат бўлган ҳолда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси 2009 йил 16 марта Женевада бўлиб ўтган ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPEC - International Programme on the Elimination of Child Labour) Бошқарув қўмитасининг 18-мажлисида иштирок этган.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Мехнат Ташкилоти билан доимий мулоқотини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Женева шахрида жойлашган БМТнинг Европа бўлинмаларидаги доимий ваколатхонаси

асосий роль ўйнайди.

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон билан алоқаларида эса Ташкилот Котибияти - ХМТ Бюроси, ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Москвадаги субрегионал офиси, ХМТнинг Мехнат соҳасида хукуқ ҳамда асосий принциплар ва стандартлар Департаменти, ХМТнинг Алмати шахрида жойлашган Марказий Осиёда болалар меҳнати бўйича эксперти мунтазам иштирок этади.

Ўзбекистоннинг Халқаро Мехнат Ташкилоти билан ҳамкорлигининг яна бир кўриниши ХМТ асосий ҳужжатлари - конвенциялари ва тавсияларига қўшилишида намоён бўлди.

Халқаро Мехнат Ташкилотининг бугунги кунда амал қилаётган 189 та конвенцияси протокол ва 202 та тавсиялари бор. Ўзбекистон 1995-2008 йиллар давомида унинг 13 та асосий конвенциясига қўшилди. Улар орасида “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция, “Иш вақтини ҳафтасига қирқ соатгача қискартириш тўғрисида”ги 47-Конвенция, “Оналикни муҳофаза килиш тўғрисида”ги 103-Конвенция, “Бандлик соҳасидаги сиёsat тўғрисида”ги 122-Конвенция “Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларини хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган хукуқлар тўғрисида”ги 135-Конвенция “Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида”ги 154-Конвенция, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-Конвенция ва бошқалар бор.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХМТнинг конвенцияси - “Уюшиш эркинликлари тўғрисида”ги 87-сонли конвенциясига қўшилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Ўзбекистон Халқаро Мехнат Ташкилотининг халқаро дастурлари доирасида ҳамкорликни амалга ошириб

келмоқда.

ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPE International Programme on the Eliminate Child Labour) Ўзбекистонда 2005-2010 йилларда самарали фаолият олиб борди. Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенцияларни имплементация қилиш учун техник ёрдам кўрсатилди. Дастур кўмаги асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун услубий ва амалий қўлланмалар чоп этилди.

Илмий анжуманлар ва семинарлар ташкил этиш икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир шаклидир. Мисол сифатида айтиб ўтиш мумкинки, 2012 йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида ХМТ Котибияти ва Европа Иттифоқи Комиссияси эксперtlари иштирокида “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларининг асосий қоидаларини амалга ошириш” мавзуусида халқаро семинар ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг ХМТ билан ҳамкорлигининг қамрови тобора кенгайиб бормокда. Мазкур ташкилот билан алоқаларни конструктив асосда янада кучайтириш масаласига давлатимиз раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмокда. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид маҳсус дастурлар қабул қилинмоқда. Жумладан, 2011 йил 7 сентябрда “ХМТ билан ҳамкорлик бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси” қабул қилинди. Унда ХМТнинг қолган бошқа конвенцияларига кўшилиш, меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни ХМТ стандартларига мослаштириш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Халқаро Мехнат Ташкилоти ўртасидаги доимий мулоқотнинг асосий мавзулари қуидагилардан иборат:

- (1) БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш

билин таъминлаш сиёсати;

- (2) Меҳнат ҳуқуки соҳасидаги ишга қабул қилишнинг энг кам ёши, бола меҳнати, мажбурий бола меҳнати ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига оид 138 ва 182-конвенцияларнинг ижросини таъминлаш масаласи.

ХМТ Халқаро меҳнат конференциясининг 99-сессияси (2010 й.) ва 100-сессиясида (2011 й.) сурункасига Ўзбекистон Республикасининг 2008-2010 йилларда 182-конвенциянинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи кўриб чиқилди.

Охирги йилларда 138- ва 182-Конвенцияларнинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилди.

2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг энг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 207-сонли Қарори қабул килинди. Унинг 1-бандига мувофиқ, мана шу икки конвенцияни амалга ошириш бўйича 37та қисмдан иборат Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда изчил амалга ошириб келинмоқда.

Конвенцияларнинг ижросини таъминлаш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштириш конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва уни ХМТ стандартларига яқинлаштириш орқали амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, амалдаги бир қатор қонун ва қонуности хужжатларига ўзгартериш ва тўлдиришлар киритилди.

Айтиб ўтиш жоизки, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, бола ҳуқукларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмла-

ри Конституциямиз (37- ва 45-моддалари) ва миллий қонунчилигимизда аллақачон ўз аксини топган. “Бола ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан 18 ёшгacha бўлган шахслар “бола” деб аталади.

Булар ҳаммаси ХМТ стандартлари билан тўлиқ, мос тушади.

Қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистоннинг ХМТ конвенцияларига қўшилиши ва ратификация килиниши муносабати билан Олий Мажлис томонидан 2009 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси ва “Бола ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва Мехнат кодексининг 12 та ва Қонуннинг моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда одам савдоси ва мажбурий меҳнат учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Бу борада бир қатор идоралараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Мазкур конвенцияларнинг бажарилишини назорат ва мониторинг қилиш ҳамда қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилди.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида, Миллий ҳаракатлар рејасининг 30-бандига мувофиқ, 2010 йил июнда Ўзбекистон ва ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича субрегионал бюроси ўртасида “Болалар меҳнатининг оғир шакларини тақиқлаш ва йўқ қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум” лойиҳаси тайёрланди. Унинг 2-моддаси ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPEC - International Programme on the Elimination of Child Labour) билан ҳамкорликни назарда тулади.

ХМТ Конвенциялари ижросини таъминлашнинг институционал механизмлари ҳам кучайтирилди. Конвенцияларнинг ижроси бўйича маълумотлар тайёрлаш ва мувофиқлаширилган фаолият олиб бориш мақсадида 2010 йил 2 июлда Идоралараро ишчи гурухи тузилган. Унинг таркибиغا Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги; Халқ таълими вазирлиги; Ташки иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги; Ташқи ишлар вазирлиги; Адлия вазирлиги; Савдо-саноат палатаси; Ўзбекистон Касаба уюшмалиари федерацияси Кенгаши киради.

Бундан ташқари, меҳнат соҳасида бола хукуклари бузилишини назорат қилиш ва мониторинг қилиш бўйича қўйидаги давлат ва жамоат механизмлари фаолият кўрсатмоқда: Хукумат таркибида Бош вазир ўринbosари раҳбарлигидаги маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти иш олиб бормоқда; Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Бош прокурор раҳбарлигидаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибида Давлат меҳнат хукукий инспекцияси ва ҳар бир туманда жорий этилган Меҳнатни муҳофаза қилиш инспекциялари.

## **БОЛАЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ**

Юртимизда болалар, уларнинг сиҳат-саломатлиги, таълим-тарбияси, дунёқарашига жуда катта эътибор берилиб, уларнинг ўзларини кўрсатишлари, бор имконият ва салоҳиятларини ишга солиш, ташаббус кўрсатишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бу борада халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари ратификация қилинмоқда, мамлакатимизда ёшларга доир маҳсус давлат

сиёсати яратилган ва у Юртбошимиз айтганларидек: фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларига қаратилган. Куйида бериладиган Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро Мехнат Ташкилотининг Конвенцияларини қараб чиқиш ва ўрганиш мазкур масалани янада кенгроқ ва чуқурроқ англашимизга кўмак беради.

1973 йил 26 июнда Халқаро Мехнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган “Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги 140-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ратификация қилинган.

Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир аъзо болалар меҳнатини самарали бекор қилишни таъминлаш ва ишлаш ёки ёлланишга рухсат этилган энг кичик ёшли ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш мажбурий мактаб таълими ёшидан кам бўлмаслиги керак ва ҳар қандай ҳолда ўн беш ёшдан кичик бўлмаслиги зарур.

Йқтисодиёти ва таълим имкониятлари етарлича ривожланмаган аъзо иш берувчилар ва ишчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилганидан сўнг энг кичик деб ўн тўрт ёшни белгилаши мумкин.

Ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш тури ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак.

Конвенция қоидалари жойларда ҳеч бўлмаганда қуйидаги соҳаларда қўлланилиши лозим: шахта ва

карьерлар; ишлов бериш саноати; курилиш; электр, газ ва сув таъминоти; санитария хизматлари; транспорт, омборлар ва алоқа хизмати; экинзорлар ва тижорат мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридағи ишларда, шу жумладан, маҳаллий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган, доимий равишда ёлланма ишчилардан фойдаланмайдиган оиласвий ва кичик хўжаликлардаги.

Ушбу Конвенция қоидалари қўйидагиларнинг таркибий қисми ҳисобланадиган ишларга нисбатан қўлланилмайди:

- a) асосий масъулият мактаб ёки касбий тайёргарлик муассасаси зиммасида бўлган таълим ёки тайёргарлик курси;
- b) ваколатли ҳокимият органи томонидан маъкулланган асосан ёки бутунлай корхонада амалга ошириладиган касбий тайёргарлик дастури;
- c) касбий ёки касбий тайёргарлик турини танлашни енгиллаштиришга қаратилган касбга йўналтириш дастурлари.

Миллий қонун хужжатлари ёки тартиблар ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга енгил ишларда ишлаш ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкин, агар бу:

- a) уларнинг соғлиги ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса;
- b) уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишлари ёки уларнинг олган билимларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса.

1999 йил 17 июнда “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-Конвенция Халқаро Мехнат Ташкилоти Буш Конференциясининг 87-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ

ратификация қилинган.

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ҳар бир аъзо болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларига барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўради.

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «бола» атамаси 18 ёшгача бўлган барча шахсларга нисбатан кўлланилади.

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари» атамаси куйидагиларни қамраб олади:

а) қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиёт, хусусан, болаларни сотиш, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуролли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш;

б) фохишибозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

с) қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш, хусусан, тегишли халқаро шартномаларда белгилангани каби наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

д) бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиги, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар.

Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиги, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишларнинг турлари белгиланади, бунда тегишли

халқаро стандартлар, хусусан, Болалар мәхнатининг энг ёмон шакллари тұғрисидаги 1999 йилги Тавсиянинг 3 ва 4-бандлари қоидалари эътиборга олинади.

Ваколатли ҳокимият органдары, мәхнаткашлар да иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашғандан сүнг, шу тариқа белгиланған иш турлары мавжудлигини аниқлады.

Харбира альзоболалар мәхнатининг энг ёмон шаклларига бархам бериш тұғрисидаги ҳаракат дастурларини устувор тартибда ишлаб чықади ва амалга оширади.

Бундай ҳаракат дастурлары тегишли хукумат идоралари ҳамда ишчилар да иш берувчиларнинг ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, зарурат туғилғанда бошқа манфаатдор гурухларнинг фикрини инобатта олган ҳолда ишлаб чықлади ва амалга оширилади.

Ташкилотнинг ҳар бир альзоси, мазкур Конвенцияни ҳаётға татбиқ этишда қоидаларни самарағы күллаш да уларға риоя этишни таъминлаш учун жиной жавобгарлықни жорий этиш да күллаш кабилардан самарағы фойдаланади.

Ҳар бир альзоболалар мәхнатига бархам беришда таълимнинг мухимлигини эътиборга олган ҳолда, белгиланған муддатларда күйидагиларға йўналтирилган самарағы чора-тадбирлар кўради:

а) болаларни болалар мәхнатининг энг ёмон шаклларига жалб этилишига йўл қўймаслик;

б) болаларни болалар мәхнатининг энг ёмон шакллари билан машғул бўлишларини тўхтатиш, шунингдек, уларнинг қайта тикланишлари да жамиятга мослашишлари учун зарурат да талаб даражасида бевосита кўмаклашиш;

с) болалар мәхнатининг энг ёмон шаклларидан халос этилган барча болалар бепул умумий таълим олишлари, шунингдек, улар учун имконият даражасида да заруратга қараб касбга ўқиши учун шароит яратилиши;

д) алоҳида хавфли аҳволдаги болаларни аниқлаш ва уларни камраб олиш;

е) қизлар аҳволининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ҳар бир аъзо мамлакат мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган ваколатли ҳокимият органини тайинлайди. Аъзолар мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилишида бир-бирларига ёрдам бериш учун мустаҳкам ҳалқаро алоқалар ёки ёрдам, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини қўллаб-куватлаш, қашшоқликка барҳам бериш дастурлари ва умумий таълим орқали тегишли чораларни кўрадилар.

Меҳнатни ҳимоя қилишда “Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-Конвенция”нинг роли бенихоя катта.

Конвенцияга кўра ҳар бир аъзо ҳақ тўлаш ставкаларини ўрнатишнинг амалдаги усулларига мос воситалар ёрдамида ҳамда мазкур усулларга мувофиқ миқдорда барча ишчиларга нисбатан, эркак ва аёл ишчиларни бир хилдаги меҳнати учун тенг рағбатлантириш тамойили қўлланилишини таъминлайди ва рағбатлантиради.

1952 йил 28 июнда Ҳалқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 35-сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 85-1-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган **“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги 103-Конвенцияси аёллар мавқеини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. Конвенцияда “аёл” атамаси ёши, миллати, ирқи ёки эътиқоди, никоҳда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, аёл жинсига мансуб ҳар қандай шахсни, “бола” атамаси эса, никоҳда ёки никоҳсиз туғилганлигидан қатъий назар, ҳар қандай болани англатади, “қишлоқ хўжалик ишлари” атамаси эса қишлоқ хўжалик корхоналарида, шу жумладан, экинзорлар ҳамда йирик саноатлаштирилган

қишлоқ хўжалик корхоналарида бажариладиган барча иш турларини ўз ичига олади.

Конвенцияга қўра ҳомиладорлик таътилининг муддати камида ўн икки ҳафтани ташкил этади ҳамда туғишдан кейинги мажбурий таътил муддатини ўз ичига олади.

Тиббий гувоҳнома орқали тасдиқланган туғиши билан боғлиқ қасаллик юзага келганда аёл туғишдан кейинги таътилни узайтириш ҳуқуқига эга. Бунда таътилнинг энг кўп давомийлиги ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади.

Конвенция қоидаларига мувофиқ равишда ҳомиладорлик таътилида бўлган аёл пул ва тиббий нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Пул ва тиббий нафақалар мажбурий ижтимоий сұғурта маблағлари ҳисобидан берилади, ҳар икки ҳолда ҳам ўрнатилган шартларга жавоб берадиган барча аёллар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

Ҳар қандай ҳолда ҳам иш берувчи у томонидан ёлланган аёлларга тўланадиган бундай нафақаларнинг миқдори учун шахсан жавобгар бўлмайди.

Агар аёлнинг эмизикли боласи бўлса, уни эмизиш учун ишида бир ёки бир неча марта танаффус олиш ҳуқуқига эга бўлади ва бу танаффус давомийлиги миллий қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Аёлнинг эмизикли боласини эмизиш учун оладиган ишдаги танаффуслари иш вақтига қўшиб ҳисобланади ҳамда унга бу учун қонун ҳужжатлари билан ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда иш вақти учун тўланадигандек ҳақ тўланади.

Аёл ушбу Конвенциянинг З-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳомиладорлик таътили асосида ишда бўлмаса ва шу пайтда иш берувчи томонидан бу аёлни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ қабул қилинса ёки аёлнинг бундай таътили

пайтида муддати тугайдиган буйруқ қабул қилинса, мазкур буйруқ ноқонуний ҳисобланади.

Юқорида келтирилган Конвенция талаблари мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига кўра янада кенгайтирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

## **МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРШИ БЎЛГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ**

Мажбурий меҳнат нима эканлигини халқимиз жуда яхши билади. Пахта якка ҳокимлиги даврида ёшларимиз, меҳнаткашларимиз кўрган кунларини эслаганларида вужудлари титраб, ақллари жунбушга келади. Мустақиллик бизга меҳнат, меҳнатга муносабат эркинлигини берди. Бу масала Бош Қомусимизда муҳрлаб қўйилган. Меҳнат муҳофазаси эса давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Бу борада биз халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда талай ижобий ишларни амалга ошироқдамиз. Қўйида кўриб чиқиладиган халқаро конвенцияларнинг мазмуни ва моҳияти меҳнатга муносабат ва унинг оқибатлари тўғрисида кенгроқ мулоҳаза юритиш имконини беради.

1930 йил 28 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган “**Мажбурий меҳнат тўғрисида**”ги 29-Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 492-I-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинди.

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шаклларини имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бунинг тўла бекор қилиниши мақсадида, зўраки ёки

мажбурий мәхнат фақат ўтиш даврида жамоат мақсадларида ва истисно тариқасида айрим ҳолларда күзда тутилган шарт ва кафолатлар билан құлланиши мумкин.

«Зўраки ёки мажбурий мәхнат» атамаси ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф этмаган, бирор бир шахсдан ҳар хил жазолар билан қўрқитиши йўли орқали талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади.

Лекин «зўраки ёки мажбурий мәхнат» атамаси ушбу Конвенция мақсадлари учун қуидагиларни ўз ичига олмайди:

а) мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат;

б) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиласидиган ҳар қандай иш ёки хизмат;

с) ҳар қандай шахсдан суднинг ҳукмига кўра талаб қилинадиган ҳар қандай иш ва хизматни, башарти мазкур иш ёки хизмат давлат ҳокимияти органларининг кузатуви ва назорати остида бажарилса ҳамда мазкур шахс хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар ихтиёрига ўтказилмаса ёки берилмаса;

д) фавқулодда ҳолатлар шароитида, яъни уруш ёки фалокат ёхуд фалокат таҳди迪 ҳолатларида, хусусан, ёнғин, сув тошқини, очлик, зилзила, кучли эпидемия, заарарли ҳайвонлар, ҳашаротлар ёки паразитларнинг ҳужуми ҳолларida ва, умуман, жами аҳоли ёки аҳоли бир қисмининг ҳаёти ёки барқарор ҳаётий шароитини хавф остига қўядиган ёки қўйиши мумкин бўлган вазиятларда талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни;

е) жамоавий тусдаги кичик хизматлар, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун мазкур жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг

одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишларни, башарти мазкур жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўз фикрларини билдириш ҳукуқига эга бўлсалар.

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «ваколатли ҳокимият органлари» атамаси тегишли ҳудуднинг олий марказий ҳокимият органини англатади.

Ваколатли ҳокимият органлари хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар манфаати учун зўраки ёки мажбурий меҳнат тайинламайди ёки тайинланишига рухсат бермайди.

Солиқ сифатида талаб қилинадиган зўраки ёки мажбурий меҳнат ҳамда жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажарувчи бошликлар мурожаат қиласидиган зўраки ёки мажбурий меҳнат аста-секинлик билан бекор қилинади.

Мазкур бекор қилиш амалга оширилгунга қадар зўраки ёки мажбурий меҳнат солиқ сифатида талаб қилинадиган ҳамда зўраки ёки мажбурий меҳнатга жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажарувчи бошликлар мурожаат қиласидиган ҳолларда тегишли ҳокимият олдиндан қўйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

- а) бажарилиши лозим бўлган хизмат ёки иш уларни бажарадиган жамоа учун бевосита ва муҳим аҳамият касб этиши;
- б) шу хизмат ёки иш ҳозир ва яқин вақтларда зарур бўлиши;
- с) мавжуд ишчи кучи ҳамда унинг шу ишни бажариш қобилиятини эътиборга олиб, бу иш ёки хизмат оқибати аҳоли учун оғир юқ бўлмаслиги;
- д) мазкур иш ёки хизматни бажариш ишчиларни уларнинг одатдаги турар жойларидан кўчишга мажбур этмаслиги;
- е) мазкур иш ёки хизмат бажарилишига раҳбарлик

дин, жамоат ҳаёти ва қишлоқ хўжалик талабларига мувофиқ тарзда олиб борилиши.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга фақат катта ёшли, меҳнатга лаёқатли ҳамда ёши ўн саккиздан кам бўлмаган ва қирқ беш ёшдан катта бўлмаган эркаклар жалб қилиниши мумкин. Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида назарда тутилган тоифадаги ишларни истисно қилганда қуидаги чеклашлар ва шартлар қўлланилади:

- a) барча ҳолларда маъмурият тайинлаган врач томонидан мазкур шахсларнинг юқумли касалликлар билан оғримагани ҳамда улар талаб қилинаётган иш ва меҳнат шароитлари учун жисмонан яроқлилигини имкон қадар олдиндан аниқлаш;
- b) мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларни, шунингдек, барча маъмурий ходимларни озод қилиш;
- c) ҳар бир жамоада оиласиий ва ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган миқдордаги катта ёшли ва меҳнатга лаёқатли эркакларни қолдириш;
- d) оиласиий ва эр-хотинлик муносабатларини хурмат қилиш.

Ҳар қандай шахсни турли шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб этиш мумкин бўлган энг кўп муддат йилига олтмиш кундан ошмаслиги керак, бунда иш жойига бориш ва қайтиш вақти ҳам шу олтмиш кун ичига киритилади. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир ишчига унинг бундай меҳнатга жалб қилинган даври кўрсатилган гувоҳнома берилади. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахснинг нормал иш куни давомийлиги эркин ёлланган меҳнаткаш меҳнат шароитлари учун амалда қўлланиладиган иш кунининг давомийлигидек бўлиши керак ва одатдаги нормадан ташқари ишланган вақтга худди эркин ёлланган ишчига одатдаги иш вақтидан ташқари ишга ҳақ тўланадиган миқдордагидек ҳақ тўланади.

Ҳар қандай шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга

жалб қилингандар барча шахсларга ҳафтада бир марта дам олиш куни берилади ва бу кун имкон қадар мазкур ҳудуд ёки минтақанинг анъаналари ҳамда одатлари билан белгиланадиган дам олиш кунига тўғри келиши лозим.

Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида назарда тутилган ишлардан ташкари, барча шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнат учун, меҳнатга жалб қилингандар ёки ёлланган ҳудудда шундай турдаги ишларга нисбатан қўлланилаётган миқдордан кам бўлмаган миқдорда, юқори миқдор қандай бўлишидан қатъий назар, нақд пулда ҳақ тўланади.

Иш маъмурий вазифаларни бажарувчи бошлиқлар томонидан тайинланган ҳолларда аввалги банднинг қоидаларига мувофиқ имкон қадар қисқа муддатда ҳақ тўлаш жорий қилинади. Иш ҳақи ҳар бир ишчининг бригадаси ёки қандайдир бошқа ҳокимият органи бошлиғига эмас, шахсан унинг ўзига тўланади.

Иш ҳақини олиш мақсадида иш жойига бориш ва қайтиб келиш учун кетган кунлар ишланган кунлар деб ҳисобланади.

Ушбу модда ишчиларга одатдаги озиқ-овқат паёкларини иш ҳақининг бир қисми сифатида беришни тақиқламайди, фақат бу паёклар қиймати камида уларга таклиф қилингандар маблағ миқдорига teng бўлиши керак. Лекин иш ҳақидан на солиқ учун, на ишчиларни алоҳида меҳнат шароитларида ишни давом эттира оладиган ҳолатда сақлаш мақсадида алоҳида овқатлантириш, кийинтириш учун ёки турар жой билан таъминлаш учун, на уларга иш асбоблари берганлик учун ҳеч қандай чегирмалар ушлаб қолинмайди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари учун компенсация беришга оид ҳар қандай қонун хужжатлари ҳамда шу ҳудудда ишлагандар ёки ишлайдигандар, вафот этган ёки меҳнат лаёқатини йўқотган ишчиларнинг қарамоғида турган шахсларга

нафақалар түланишини күзда тутувчи ҳар қандай қонун хұжжатлари зўраки ёки мажбурий меҳнатта жалб қилинган шахсларга нисбатан худди эркин ёлланган ишчиларга қўлланиладигандек teng асосда қўлланилади.

Ҳар қандай ҳолатда, ишчини зўраки ёки мажбурий меҳнатта жалб қилаётган ҳар бир ҳокимият органи зиммасига, агар ушбу ишчи ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ҳаётий эҳтиёжлар учун ишлаш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотса, унинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Мазкур ҳокимият органига, шунингдек, вафот этган ёки иш натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи қарамоғидаги ҳар қандай шахсни боқиши таъминлаш чораларини кўриш мажбурияти юклатилади.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатта жалб қилинган шахслар, фавқулодда зарурат ҳолларидан ташқари, овқатланиш ва иқлим шароити одатдаги ҳаёт шароитидан соғлиққа хавф соладиган даражада ажралиб турадиган худудларга ўтказилмаслиги керак.

Ишчилар шароитга мослашиши ва улар соғлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган гигиена ва уй-жой шароитига нисбатан барча чора-тадбирлар қатъий амалга оширилмагунича ишчиларни бундай ўтказишга ҳеч қандай ҳолда рухсат берилмаслиги керак.

Агар бундай ўтказишнинг олдини олиш мумкин бўлмаса, ишчиларнинг янги овқатланиш ва иқлим шароитига аста-секин мослашувини таъминловчи чора-тадбирлар кўриш учун ваколатли тиббиёт муассасаси билан маслаҳатлашилади. Агарда ишчилар улар учун одатий бўлмаган ишларни доимий равишда бажаришга жалб қилинса, уларнинг мазкур иш турига мослашишларини таъминловчи чоралар, хусусан, заруратга караб аста-секин ўқитиши, иш соатлари, дам олиш учун танаффуслар бериш ва зарурий овқат рационини яхшилаш чоралари кўрилади.

Ваколатли ҳокимият органлари ишчиларни иш жойларида узоқ вақт давомида қолиб кетишига олиб келувчи қурилиш ёки маъмурий ишларни бажариш учун зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилишга рухсат беришдан олдин қуидагиларга ишонч ҳосил қилишлари лозим:

Ишчиларга зарурий тиббий ёрдам ва тегишли гигиеник шароитларни таъминлаш учун керакли чоратадбирлар кўрилганлигига, хусусан:

мазкур ишчилар иш бошлангунга қадар ҳамда улар иш билан банд бўлган бутун давр мобайнида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришлари;

етарлича тибиёт ходимлари билан таъминланганлиги, шунингдек, барча эҳтиёжлар учун зарур бўлган амбулаториялар, шифохоналар ва касалхоналар ташкил қилинганлиги ва барча зарурий ускуналар билан таъминланганлиги;

иш жойида қониқарли гигиеник шароит билан таъминланиши, ишчиларнинг ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи, шунингдек, ошхона асбоб-ускуналари билан таъминланиши ҳамда зарурат бўлган ҳолда қониқарли кийим-бош ва уй-жой берилиши;

ишчи оиласининг ҳаётини таъминлаш учун тегишли тадбирлар кўрилиши, хусусан ишчилар маошининг бир қисмини уларнинг розилиги ёки илтимоси билан ишончли тарзда оиласарига юборилишини енгиллаштириш йўли билан;

ишчиларнинг иш жойига бориши ва қайтиши маъмурият ҳисоби ва маъмуриятнинг масъуллигига таъминланиши ҳамда барча транспорт воситаларининг турларидан фойдаланган ҳолда мазкур қатновларнинг енгиллаштирилиши;

ишчи касаллик ёки баҳтсиз ҳодиса туфайли меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ҳолда унинг одатий яшаш жойига кайтиши маъмурият томонидан амалга оширилиши;

ҳар қандай ишчи ўзининг зўраки ёки мажбурий меҳнат муддати тугаганидан сўнг эркин ёлланувчи ишчи сифатида ишни давом эттиришни хоҳласа, у икки йил мобайнида ўзининг одатий яшаш жойига бепул қайтиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган ҳолда бунга ҳақлидир.

Шахслар ёки юкларни ташиш мақсадидаги зўраки ёки мажбурий меҳнат, хусусан, юкчилар ва эшкакчилар меҳнати имкон қадар қисқароқ муддатда бекор қилинади. Мазкур бекор қилиш амалга ошгунга қадар, ваколатли ҳокимият органлари қуидагиларни белгилайдиган тартиб-қоидаларни эълон қилишлари шарт:

1) мазкур меҳнат шаклидан факат маъмурият мансабдорларининг ўз вазифаларини бажариш пайтида кўчишини енгиллаштириш ёки маъмурият юкларини ташиш мақсадида ёхуд мансабдор бўлмаган бошқа шахсларни ташишга ниҳоятда шошилинч зарурат пайдо бўлганда фойдаланиш мажбурияти;

2) бундай ташишларга факат дастлабки тиббий текшириш натижасида жисмонан яроқли деб топилган эркак ишчиларнигина жалб қилиш мажбуриягини, башарти бундай тиббий текширишнинг имкони мавжуд бўлса, агар имкони бўлмаса мазкур ишчи кучидан фойдаланувчи шахс меҳнат билан машғул бўлган ишчининг зарурий жисмоний қобилиятга эгалиги ҳамда юқумли касалликлар билан оғримаслигига ишонч ҳосил қилиши шарт;

3) ишчи ташиши лозим бўлган юкнинг энг оғир вазни;

4) ишчилар ўзларининг одатий яшаш жойларидан йироқ бўлиши мумкин бўлган энг узоқ масофани;

5) ойда ёки бошқа ҳар қандай муддатдаги ишчилар меҳнатга жалб қилиниши мумкин бўлган кунларнинг максимал сони, бунда ишчининг яшаш жойига қайтиш учун сарфлайдиган кунлари ҳам кўшиб ҳисобланади;

6) зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг мазкур шаклига жалб қилиш ҳуқуқига эга шахсларни, шунингдек, уларнинг

ваколатлари чегараларини.

Аввалги банднинг 3, 4, 5 - кичик бандларида назарда тутилган энг юқори даражани аниқлашда ваколатли ҳокимият органлари мазкур масалага тааллуқли барча омилларни, шу жумладан, ишчи кучи тақдим этиши лозим бўлган аҳолининг жисмоний лаёқатини, ишчилар босиб ўтиши лозим бўлган йўналиш хусусиятини, шунингдек, иқлим шароитини ҳисобга оладилар.

Бундан ташқари, ваколатли ҳокимият органлари ташувчиларнинг кундалик нормал йўналиши ўртача иш кунидаги саккиз соат давом этадиган масофадан ошмаслигини таъминлайдилар, мазкур масофани аниқлашда нафақат юк вазни ва йўналиш узунлиги, балки йўлнинг ҳолати, йил фасли ва шунга тааллуқли бошқа барча омиллар ҳам ҳисобга олинади. Ишдаги зарурат туфайли иш вактидан ташқари қилинган меҳнат учун одатий маошдан кўпроқ микдорда ҳақ тўланади.

Ваколатли ҳокимият органлари ерга мажбурий ишлов беришни қўллашга факат очлик ёки озиқ-овкат маҳсулотларининг этишмаслигининг олдини олиш мақсадларида ва ҳар доим бунинг натижасида олинган маҳсулотлар ёки озиқ-овқатлар уларни этиштирган шахслар ва жамоанинг ўзиники бўлиши шарти билан рухсат берадилар.

Ушбу модда, жамоа аъзоларининг мажбуриятини, яъни қонунга ёки одатларга мувофиқ жамоада талаб этилаётган ишни бажариш мажбуриятини – ишлаб чиқариш қонун ёки одатларга мувофиқ жамоавий асосда ташкил қилинса ва маҳсулотлар ёки шу маҳсулотларни сотишдан келган фойда жамоанинг ўзиники бўлиб қолса – бекор қилишга асос бўла олмайди.

Жамоанинг бирор-бир аъзоси томонидан содир этилган жиноят учун бутун жамоа аъзоларига нисбатан жамоавий жазони назарда тутувчи қонунчилик жамоага

нисбатан зўраки ёки мажбурий меҳнатни жазо чораси сифатида кўллашни назарда тутмаслиги лозим.

Ваколатли давлат органлари мазкур Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида зўраки ва мажбурий меҳнатни кўллашнинг аниқ ва муфассал тартиб-қоидаларини белгилайдилар. Бу тартиб-қоидалар, хусусан, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахсга, унга тақдим этиладиган меҳнат шароитларига нисбатан ҳокимият органларига ўз эътиrozини билдиришга рухсат этадиган ва шу эътиrozнинг кўриб чиқилиши ва эътиборга олинишини кафолатлайдиган қоидаларни ўз ичига олади.

Барча ҳолатларда зўраки ёки мажбурий меҳнат кўлланилишини бошқарувчи тартиб-қоидалар қатъий равишда ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш учун барча ҳолларда тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Хусусан, оддий меҳнатни назорат қилиш учун таъсис этилган ҳар қандай меҳнат инспекцияси органининг мажбуриятини зўраки ёки мажбурий меҳнатни назорат қилиш вазифаси билан кенгайтириш орқали ёки исталган бошқа мос келадиган усул ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларни бу тартиб-қоидалардан хабардор қилиш чоралари кўрилади.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий тартибда таъқиб қилинади ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шарт.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1935 йил 21 июнданги “**Кирқ соатлик иш хафтаси тўғрисида**”ги 47-Конвенцияси унинг Бош Конференциясининг 19-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 83-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Ишсизлик кенг миқёс олганлиги ва узоқ вақт давом этиётганлиги, жаҳон бўйича миллионлаб меҳнаткашлар қийинчилик ва қашшоқликдан азоб чекаётганликлари ва бунинг учун улар жавобгар эмасликларини ҳамда бу азоблардан халос бўлиш учун қонуний ҳукуққа эга эканликларини эътиборга олиб, Меҳнат масалалари бўйича Халқаро Конференция «Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги Конвенцияни тасдиқлади:

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси куйидагиларни маъқуллашини билдиради:

а) меҳнаткашлар ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келмайдиган даражада қўлланадиган қирқ соатлик иш ҳафтаси тамойилини;

б) мазкур мақсадга эришиш учун мақбул деб ҳисобланиши мумкин бўлган чора-тадбирлар кўриш ёки уларни қўллаб-қувватлаш.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1958 йил 25 июндаги “Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида”ги 111-Конвенцияси унинг Бош Конференциясининг 42-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 499-I-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Барча инсонлар ирқи, эътиқоди ёки жинсидан қатъи назар, иқтисодий барқарорлик ва тенг имконият, эркинлик ва қадр-қимматлари таъминланган шароитда ўз моддий фаровонлиги ва маънавий ривожига эришиш ҳукуқига эгалиги, камситиш Инсон Ҳукуқлари Умумжаҳон Декларациясида эълон қилинган ҳукукларни бузиш ҳисобланишини эътиборга олиб, «Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисидаги Конвенция”си қабул қилинди:

Ушбу Конвенцияда «камситиш» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) меңнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган ирқ, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги ҳар қандай фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш;

б) ишчилар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари ҳамда бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашгандан сўнг аъзо томонидан белгиланиши мумкин бўлган, меңнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган бошқа фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйишлар. Maxsus талабларга асосланадиган муайян ишларга, нисбатан фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш камситиш деб ҳисобланмайди.

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «меңнат» ва «бандлик» атамалари касб ўрганиш имконига, меңнат ва муайян иш турларига эга бўлишни ҳамда меңнат соҳасидаги шарт-шароитларни ўз ичига олади.

Ҳар бир аъзо, меңнат ва бандлик соҳасидаги тенг муносабат ва имкониятга, миллий тартиблар ва амалиётга мос усуллар орқали ҳар қандай камситишни йўқ қилишни рағбатлантиришга мўлжалланган миллий сиёсатни эълон қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини олади ва:

а) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишига кўмаклашишда иш берувчилар ва меңнаткашлар ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар ҳамкорлигини таъминлашга интилиш;

б) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишини таъминлашга мўлжалланган тегишли қонунларни қабул қилиш ва тегишли таълим дастурларини қўллаб-куватлаш;

с) шу сиёсатга мос келмайдиган ҳар қандай қонун-қоидаларни бекор қилиш ва ҳар қандай маъмурий қарорларни ва амалиётни ўзгартириш;

d) меҳнат соҳасидаги сиёсатни бевосита миллий ҳокимият назорати остида амалга ошириш;

e) қасб танлаш, қасбга ўқитиш ва иш билан таминлаш соҳасидаги муассасалар фаолиятидаги ўрнатилган сиёсатга ҳукумат бошқаруви остида риоя қилинишини таъминлаш;

f) шу сиёсатга биноан амалга оширилган тадбирларни ва мазкур тадбирлар орқали эришилган натижаларни ўзининг ушбу Конвенция қўлланилиши тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботларида кўрсатишлари керак.

Давлатнинг хавфсизлигига путур етказувчи фаолият билан шуғулланадиган ёки шуғулланиши тўғрисида шубҳа бўлган шахсга қарши қаратилган ҳар қандай чоралар, агар ушбу шахс миллий амалиётга мувофиқ ташкил этилган ваколатли органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлса, камситиш ҳисобланмайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конференцияси томонидан қабул қилинган бошқа Конвенциялар ва тавсияларда кўзда тутилган ҳимоя ёки ёрдам бериш бўйича маҳсус чоралар камситиш деб ҳисобланмайди.

Ҳар бир аъзо ишчилар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, жинси, ёши, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, оилавий мажбуриятлари ёки ижтимоий ёхуд маданий даврияси каби сабабларга кўра маҳсус ҳимоя ва ёрдамга муҳтож деб топиладиган шахсларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондиришни назарда тутувчи маҳсус чоралар камситиш деб ҳисобланмаслиги мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1964 йил 9 июлдаги “**Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида**”ги 122-Конвенцияси унинг Бош Конференциясининг 48-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 86-I-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Дунё халқлари орасида тўла иш билан таъминланиш ва ҳайёт даражасини кўтаришга эришишда ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгалиги назарда тутилганлигини эътиборга олиб, иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатга бевосита боғлиқ бўлган «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги 1964 йилги Конвенция қабул қилинди.

Ҳар бир Аъзо, иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рафбатлантириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида аҳолини тўла, самарали ва эркин танланган иш билан таъминланишга қаратилган фаол сиёсатни асосий вазифа сифатида эълон қиласи ва амалга оширилади.

Бу сиёсат қўйидагиларни амалга оширишни кўзлайди:

а) ишга яроқли ва иш излаётганларнинг барчаси учун иш бўлиши;

б) бундай иш имкон қадар самарали бўлиши;

с) ҳар бир ишчи ирқи, танасининг ранги, жинси, миллий мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ўзига мос келадиган ва ўз имкониятларини қўллай оладиган ишга жойлашиши учун керак бўладиган малака олиш учун имкониятларга ва иш танлаш эркинлигига эга бўлишини ушбу сиёсат, иқтисодий ривожланишнинг босқичи ва даражасини, бандлик соҳасидаги мақсадлар билан бошқа иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тегишлича ҳисобга олади ҳамда миллий шароит ва амалиётга мос келадиган усувлар орқали амалга оширилади.

Ҳар бир Аъзо миллий тартибларга мувофиқ қўйидаги усувлар орқали:

а) 1-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун кўриладиган чораларни мувофиқлаштирилган иқтисодий ва

ижтимоий сиёсат доирасида белгилайди ҳамда ўз назоратида ушлаб туради;

б) мазкур чораларни қўллаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширади, шу жумладан, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда дастурлар ишлаб чиқади.

## **БОЛАЛАР ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҶАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙЛАШИШИ – ДАВР ТАЛАБИ**

Мамлактимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бир нарсага – инсон, унинг соғлиги-саломатлиги, баҳтли ҳаёти, эрки, қадрқиммати, фаровон ҳаётига қаратилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда ратификация қилинган конвенциялар маҳалий шарт-шароитлар, миллий турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқимизнинг хоҳиш-иродасини хисобга олган ҳолда миллий-меъёрий ҳужжатлар билан янада бойитилган ҳолда ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бу ўринда шуни таъкидламокчи эдикки, ҳар қандай қонун, меъёрий ҳужжат ўзи-ўзича эмас, балки уни тушунарли эканлиги, унга риоя этиш таъминланганлиги билан қадрлидир. Мустақиллиқ йилларида фермерларимиз, унда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маданияти ва дунёқарашида катта ўзгаришлар содир бўлди. Шуларнинг хисобига хўжаликларда хизмат қилаётганлар ўртасида иттифоқчилик ва талаб, ўзаро ҳурмат ва жавобгарлик, рақобат ва ҳамдардлик руҳи тобора ортиб бормоқда. Биз буни фермер хўжаликларида ёшлар учун яратилаётган қўшимча имтиёзлар ва кафолатларда кўришимиз мумкин.

Бугун фермер хўжаликларида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда

болалар мөхнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда;

– ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда;

– ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашлари тузилмоқда;

– ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказилмоқда.

Фермерлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида кўзда тутилган қўйидаги кафолатларга риоя этиш ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олмоқдалар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

Бунда фермер қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг мөхнатини муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа мөхнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;

б) ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш;

г) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган Устоз ходимларни рағбатлантириш;

Фермер хўжаликлари фаолиятида ёшларнинг мөхнат хавфсизлиги алоҳида аҳамиятга эга масаладир. Фермер хўжаликларининг асосий мөхнат ресурсларига 16 ёшдан

55-60 ёшгача бўлган эркак ва аёллар киради. Шу ўринда эслатиб ўтиш ўринлики, Халқаро Мехнат Ташкилотининг 138-конвенциясида энг кичик ёш 18 ёшдан кам бўлмаслиги керак деб кўрсатилган. Чунки, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиги, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш тури ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун 18 ёш этalon қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексиниг 77-моддасига кўра ишга қабул қилишга қўйиладиган ёш ўн олти ёшdir.

Лекин фермер хўжалигига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Булардан ташқари кодексда ёшлар учун бир қатор қўшимча кафолатлар ҳам белгиланган. Шулар жумласига, масалан, 240-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳукуклари, 241-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар, 242-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати, 243-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлаш, 244-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш, 245-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг тунги ишларга, иш вақтидан ташқари юмушларга ва дам олиш кунларидағи ишларга жалб этишининг тақиқланиши, 246-моддада меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатлари, 247-моддада меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (хомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш.

Юқорида келтирилган моддаларнинг айримларини кўриб чиқайлик. Улар фермер хўжаликларида ишларни бажаришда ёшларнинг меҳнат хавфсизлигига бевосита алоқадордир. Масалан, 241-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган

шахслар мөхнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар доираси ва қўламини белгилаб беради.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар мөхнатидан шу тоифа ходимларнииг соғлиги, хавфсизлиги ёки аҳлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган мөхнат шароити нокулай ишлар ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк қўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар қўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-П-сонли қонуни таҳриридаги қисм).

Ёки, 242-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддатига бағишланган.

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Ёки 243-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги мөхнатига ҳақ тўлашга бағишланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги мөхнатига ҳақ кундалик

иш вақти түлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган микдорда тўланади.

Фермер хўжалигида бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

Ёки 244-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили беришга бағишиланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун – ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса, умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Қаранг: МКнинг 142-моддаси.

Ёки, 245-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тўнги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидағи ишларга жалб этишнинг тақиқланишига бағишиланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишлар ва дам олиш кунларидағи ишларга жалб этиш тақиқланади. Қаранг: МКнинг 122, 124, 129, 130-моддалари.

Ёки, 246-модда меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатларига бағишиланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибиға риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади (Қаранг: МКнинг 100-103, 107-110-моддалари).

Ёки, 247-модда меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (хомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилишга бағищланган.

Ота-оналар ва васийлар (хомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлигига зиён қиласидиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномаси асосида меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсияларни инобатга олган ҳолда йиллик тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш учун маблағ ажратади.

Биз биламизки, фермер ўзининг иш фаолиятини “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун бўйича амалга оширади.

Қонунинг 8-моддаси фермер хўжалигининг Низоми тўғрисида бўлиб, уставнинг моҳияти, мазмуни, фермер хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фермернинг хуқуқ ва мажбуриятлари, хўжаликни қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлик бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан “Фермер хўжалигининг намунавий Низоми” тасдиқланган. Ушбу хужжат орқали ҳар бир фермер ўзининг шароити, ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалиги Низомини қабул қиласиди. Мазкур низомда фермер қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда ёшларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга оид маҳсус бандларни меҳнат кодекснинг юқорида келтирилган моддалари асосида киришилари лозим ва ушбу моддаларни бажаришни у ўзининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириши керак.

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ҲАЁТ

Бугунги кунда мамлактимиз фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чукур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, катта вазифалар ва маъсулиятни ўз зиммасига олган кўп тармоқли хўжаликларга айланиб бормоқда. Агар Ўзбекистонда йилига 1 миллионта иш ўрни яратилса, шундан 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида ташкил этилмокда. Бунда фермерларимизнинг улкан хиссалири бор.

Фермерлик фаолияти шундай фаолиятки, у қишлоқда яшаётган аҳолинининг барча гурухлари, қатламларини ўз ичига олади. Бунда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқалар уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам қишлоқда гендер тенглиги ўзига хос тарзда намоён бўлади. Умумий мазмун, моҳият ва мавжудлик қонунларига эга бўлган гендер тенглигининг қишлоқ ҳаётида ўзига хос шаклда намоён бўлишилининг ўзи албатта алоҳида феноменdir. Бу феноменда халқ, давлат, жамият бирлиги унинг бир мақсад йўлидаги уйғунлик, мазкур уйғунликнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар негизида амалга ошиши мамлакатимиз ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Гендер тенглигини ҳаётга тадбиқ қилишда ХМТнинг “Мехнат ва бандлик соҳасидаги камситиш тўғрисида”ги 111 конвенция (1960 йил 15 июндан кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августда ратификация қилинган) катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига кўра, хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуқлидир. Мазкур тезис Конституциянинг 9 ва 10 боблари барча моддаларида иқтисодий ва ижтимоий хукуқлар, инсон хукуqlари ва эркинликларининг кафолатлари сифатида ўз аксини топган.

Ижтимоий-сиёсий қараашлар, аёл ва эркакнинг тенг хукуқли, баб-баробар билим олиш, ижод қилиш, жамият ва давлат ишларини бошқариш имконига эга инсонлар эканини тўғри эътироф этади.

Ушбу хуоса узоқ ижтимоий-тарихий тарақкиёт жараёнида инсоният эришган улкан ютуқдир. Демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай халқ ва давлат мазкур ютуқни ўзлаштиrmай, уни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этмай ривожлана олмайди. Гендер тенглиги учун аёл ва эркакнинг тенг хукуқли инсонлар экани фундаментал аҳамиятга эгадир. Бироқ тенг хукуқлилик ҳар хилликни, аёл ва эркак ўртасида психофизиологик ва антропологик фарқлар, ўзига хосликлар борлигини инкор қилмайди. Ушбу тафовут, ўзига хосликлар аёл ва эркакка антогонистик кучлар сифатида қараашга ҳам олиб келмайди, балки улар аёл ва эркакнинг руҳий, маънавий, ижтимоий фазилатларга, имкониятларга қай даражада эга эканини билишга ёрдам беради. Ана шундагина аёл эркакнинг, эркак эса аёлнинг қандай инсон, мавжудот эканини тушунади, буни ҳисобга олади. Аслида оиласи муносабатларнинг кескинлашувига аёл ва эркакнинг бир-бирини билмаслиги, тушунмаслиги сабаб бўлади. Биз ҳар хиллигимизни, ҳар биримиз оламни идрок этиш, у ёки бу нарсаларни қадрлаш, табиатимизга мос касбкорни, руҳимизга яқин кишиларни, давраларни танлашга мойил инсонлар эканимизни билган заҳоти бир-бириимизни тинглаб, бир-бириимизга ён босиб яшашга интиламиз. Аёл ва эркак бир турга мансуб икки жинс, улар ўртасидаги тафовутлар, ўзига хосликлар эса инсон ҳаётини янада сирли, гўзал ва ранг-баранг қиласи.

“Гендер” тушунчаси жинслар, жинслараро муносабатлар маъноларини англатса-да, у кейинги йилларда деярли барча фанларга тааллуқли ижтимоий воқеликка айланмокда. Демак, инсоният дискриминацияни бартараф этишини шу пайтгача хаёлига келтирмаган. “Аёллар хукуқлари Декларацияси”ни эълон қилған Олимпия де Гуж XIII аср-

гача аёллардан фойдаланиш, уларни камситиши ва зўрлаш инсон шаънини топтовчи ҳодиса экани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Олимпия де Гуждан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Европа аёллари ўз эрки учун ҳанузгача тинмай курашиб келдилар. Эрк инъом этилмайди уни курашиб қўлга кириладилар.

Гендер тенглиги аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлардаги фарқларни, ўзига хосликларни ўрганиш билан чекланиб қолмаслиги зарур. Ижтимоий тараққиёт учун аёл ва эркак ўртасидаги тафовутлар эмас, балки уларнинг бир ижтимоий мавжудот сифатида яшашини асослайдиган, аёл ва эркак ўртасидаги яқинлик, уйғунликни мустаҳкамлайдиган назариялар, ёндашишларни бир-бирига қарама-карши қўйиш, фарқлаш фожиали оқибатларга олиб келишини англашимиз даркор. Гендер тафовутларни ўрганиш аёл ва эркакни янада чуқурроқ билиш учун зарур, холос. Аммо, ушбу фарқлар мудом нисбий ва тарбиявий омиллар таъсирида зарур томонга ўзгариши мумкинлигини унутиб бўлмайди.

XX асргача аёлга нисбатан болажон, пазанда, ўчоқ қўриқловчиси, бадиий-эстетик тимсол сифатида қараш мавжуд эди. Феминистик ҳаракатлар аёлни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг teng ҳуқуқли субъектларига айлантириди. Бу борада Европа аёли намуна бўлди. Африка, Осиё, Лотин Америкаси қитъалардаги аёллар ҳам феминистик ҳаракатларни қўллаб-куvvatлай бошладилар. Тўғри, ислом қадриятлари ҳукмон давлатларда ҳали патриархал муносабатлар аёлларнинг teng ҳуқуқли яшашига халақит бермоқда. Аммо бугунги аёл XX асргача яшаган аёлдан тамомила фарқ қиласи. Аёллар ижтимоий муносабатларни эмас, гендер муносабатларни ўзгариши тарафдоридирлар. Улар ижтимоий муносабатларнинг хусусияти билан қизиқмайдилар; гендер тенглик улар учун эркак эгаллаган амалларни эгаллаб, эркак билган нарсаларни билиб, оиласини таъминлаб яшашдир. Феминистлар ҳеч қачон жамият тараққиётини белгилаб берувчи,

стратегик аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий концепцияларни илгари сурмаган. Улар ижтимоий муносабатларни ўзгартирмай гендер тенгликни таъминлаб бўлмаслигини хаёлига келтирмаган. Гендер тенглик аёл ва эркак муносабатларида тенг ҳуқуқликни таъминлашгина эмас, у бутун ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга қодир воқеликдир. Гендер тенгликни эски ижтимоий муносабатлар устига қуриб бўлмайди, у инсониятни янги ижтимоий муносабатлар тизими ни яратишга ундаиди.

Гендер таълим-тарбияси аёл ва эркак ўртасидаги фарқларни излашдан эмас, балки аёл ва эркакнинг инсон эканлигини очиб беришдан бошланиши даркор. Гендер муносабатлари, аввало, инсон муносатларидир. Гендер таълим-тарбияси ушбу муносабатлар негизидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, уларга мувофиқ усул ва воситаларни танлаши керак. Гендер мақсад ва вазифаларининг ўзига хослиги инкор этилмайди. Аммо улар “ўзи ўзи учун” мавжуд бўлолмайди. Инсоннинг яхлитлилиги ва бутунлигига раҳна соловчи, шубҳа уйғотувчи назария, ғоя, тарбия инсонга хизмат қилмайди. Гендер таълим-тарбияси аёл ва эркакдаги инсонга хос сифатларни, фазилатларни янада кўпайтиришга хизмат қилганидагина ўзининг гуманистик вазифасини бажаради.

Гендер нотенгликни келтириб чиқарган бош сабаб ҳокимият билан боғлиқдир. Ҳокимиятнинг эркаклар қўлида бўлиб келаётгани, жамият хаётини, давлат бошқариши ва шаклини эркаклар ҳал этиб, белгилаб келаётгани исбот талаб қилмас фактдир. Ҳокимият қаттиққўллик, ақл қувлиги, узокни кўра билиш ва куч ишлата олишни ёқтиради. Аёлга хос юмшоқлик, кўнгилчанлик уни қониқтирмайди. Ўрни келганда у таваккал қилишга ундаиди, жанговарлик хусусиятига эга бўлган, довюрак, барча масъулиятни, юкни ўз устига олишга тайёр шахсга бўйсунади. Фақат меҳрумҳаббат, эзгулик, ахлоқ тўғрисида ўйлайдиган киши

ҳокимиятга эга бўлолмайди, эга бўлганида ҳам қўлида узоқ ушлаб қололмайди. Камдан-кам аёл ҳокимиятнинг ушбу та-лабларига жавоб беради.

Эркак ҳокимиятга интилганида бутун жамиятни, шу жумладан, аёлларни ҳам ўз хоҳишларига, қарашларига бўй-сундиришни ўйлади. Эркакка халоскорлик ўйларига бери-лиш хос, бу борада у ўзидан кечишга ҳам шай. Эркаклар-нинг динлар асосчилари экани шундандир. Аёл ҳокимиятга интилганида, аввало, ўз оиласи ва фарзандларини ўйлади, уларнинг баҳтли, фаровон яшашини кўзлайди. Ҳукмдор аёл-нинг стратегик мақсади эркакларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам стратегик мақсадларига айнан мос келавермайди. Узоқни кўра олмаслик, майда, бир кунлик вазифалар билан ўра-лашиб қолиш аёлни ҳокимиятдан йироқлаштиради. Буни тож-тахт атрофидаги эркаклар дарров пайқайдилар. Агар улар аёлни қўллаб-қувватламокчи бўлсалар унга стратегик мақсад белгилаб, ишлаб берадилар, аксинча бўлганда эса, қўлидан ҳокимиятни тортиб оладилар.

Демократик жамият учун қайси жинс вакилининг эмас, балки қандай фазилатларга эга шахснинг давлат тे-пасига келгани муҳимдир. Бундан кейин жамият ҳаётига бир жинс мутлақ ҳукмронлик қилолмайди. Аммо давлатни бошқаришда қайси жинс вакилларининг мавқеи юқори эканини ўрганиш гендер фалсафасининг вазифаси бўлиб қолаверади.

Гендер нотенглик гендер муносабатларни баҳолаш ёки ўлчашдаёқ содир бўлади. Ҳар қандай тадқиқотчи уларни ўз жинси нуқтаи назаридан баҳолашга интилиб, гендер нотен-глиknни бошлаб беради. Ушбу нотўғри ёндашишдан қочиш йўли БМТ томонидан қабул қилингган инсон ҳукуқлари ҳақидаги нормалардан келиб чиқишидир.

Гендер фарқлари шунчалик кенг кўзга ташланади-ки, уларни бартараф этиш амри маҳолдир. Гоҳо гендер но-тенгликнинг ташаббускорлари аёллар бўлиб қоладилар.

Ўз тақдирини ўзи ҳал қилолмайдиган, ижтимоий ҳаётда қатнашиш имконига эга бўлмаган давлатларда аёллар гендер тенглик мавжудлиги, аёл ва эркак ҳаёти инсон хукуклари асосида курилишини, ҳатто билмайдилар ҳам. Баъзи давлатларда аёлларни эркакларнинг сексуал қизиқишларини қондириш учун қул сифатида сотиш анъанаси сақланиб қолмоқда.

Перцептив хусусиятлар ўртасидаги фарқлар янги туғилган чақалоқларда ҳам қўзга ташланади. Қиз бола онасининг овозини, овози орқали эмоционал ҳолатини, кайфиятини тез илғайди. Аёллар ўртасида бир-бирини тез тушуниш, ўзаро қўллаб-кувватлаш юзага келади. Ўғил бола онасининг овозидан кўра қизиқиш обьектига, яъни она кўкрагига кўпроқ ёпишади ва онаси билан яқинлиги, мулоқотини ўз эҳтиёжини қондириш орқали ифода этади. Ўғил боланинг эмишга ўчлиги уни онага жуда яқинлаштиради. Она қизидан бир куни узоқлашишини инстинктив билади (“Қиз бола – бирорнинг хасми”). Шу боис у қизидан узоқлашганига тез кўнигади, аммо ўғлининг узоқлашганини сира кечиролмайди. Бу ўринда у келинини қоралайди. “Хотининг чизигидан чиқмайди”, “Хотин деб туқкан онасидан кечган” каби сўзларни қайтармайдиган она, қайнона йўқ.

Гендер нотенглигини бартараф этиш барча ҳалқлар, миллатлар мақсадига айлангани эмас. Айниқса айрим Осиё, мусулмон мамлакатларида патриархал муносабатларни қўллаб-кувватлаш ҳаёт тарзи бўлиб қолмоқда. Махсус тадқиқотлар натижаларидан маълумки, айнан ушбу мамлакатларда аёллар патриархал муносабатлар, яъни эркакларнинг устунлиги қўллаб-кувватланган. Бу ўринда аёлларнинг гендер нотенглик масалаларидан яхши хабардор эмаслиги ва “тайёрга айёр” ҳолда яшашга кўнишиб қолгани намоён бўлади. Ижтимоий-сиёсий ва хукуқий нуқтаи назардан ушбу ҳаёт тарзини қоралаш мумкин, аммо этномаданий нуқтаи назардан уни қоралашга асос топиш қийин.

Айрим соҳаларда, фаолият турларида эркакнинг етакчилик қилиши аёлларнинг ҳам мазкур жабхалар ва фаолият турларида фаоллик кўрсатиши мумкинлигини инкор қилмайди. Психофизиологик ривожланишида гендер тафутлари бўлса-да, улар гендер тенгликни қарор топтиришга халақит беролмайди. Қизиқиш, интеллект, иқтидор, кўникона, ўз “Мен”ини намоён қилиш истаги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хоҳиши аёл ва эркакка баб-баробар тааллуқли хислатлардир. Тўғри, мазкур вазифаларни бажариш ва хислатларни намоён этиш ҳар хил даражада ёки кўлламда бўлиши мумкин, аммо улар ҳам гендер нотенгликни кўллаб-кувватлашга олиб келолмайди.

Жамият, ижтимоий муносабатлар маълум бир нотенглик орқали мавжуддир. Масалан, барча касб-корга баб-баробар teng маош бериш тартибини ўрнатиб бўлмайди. Шунингдек, болалар, ногиронлар, кексалар давлат ва жамиятнинг алоҳида меҳр-муруватига умид қилиши даркор. Аммо ушбу нотенглик айрим гурухларнинг жамият ва давлатдан устун туришига олиб келмаслиги зарур.

Гендер нотенглик шаклан сақланиб қолса-да, у жинсларни бир-бирига қарши қўйиш ёки эркаклар шовинизми ни оқлаш, кўллаб-кувватлашга олиб келиши мумкин эмас. Эркакда шовинизмга мойиллик кучли, у ўз мақсадига этиш учун ғамгин кўриниш, куч, макр ва ҳийла ишлатишдан қайтмайди. Эркакдаги ушбу хислатларнинг авж олмаслиги учун жамият ва ижтимоий муносабатлардаги нотенгликни тез-тез аёллар нигоҳи, эҳтиёжи ва қизиқишлиари нуқтаи на заридан баҳолаб, ўлчаб, зарур тақдирда уларни аёллар талбларига мувофиқ тузатиб, тўлдириб бориш зарур.

Мавқе кишида масъулиятни оширади. Масъулият ўз кучи, иқтидори ва имкониятларини ортиқча баҳолашга олиб келади. Шу тариқа амалдор жиндек манман бўлиши зарур, акс ҳолда у ён-атрофидагилардан ўзини фарқламай қолади, қандайдир фазилати, хислати билан бошқалардан устунли-

гини сезмайди.

Аёл организмида содир бўладиган психофизиологик ва гинекологик ўзгаришлар унинг эркакка муносабатларида акс этиши мумкин, бироқ улар кенг ижтимоий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатмайди. Махсус тадқиқотлар шундай таъсир мавжудлигини қайд этмайди. Демак, аёл организмидаги ўзгаришлар таъсири аёл-эркак муносабатлари поғонасида қолиб кетади, у юқори – ижтимоий муносабатлар поғонасига кўтарилемайди. Бундан, гендер муносабатлари ижтимоий муносабатларга таъсир этмайди, деган хулоса келиб чиқмайди. Гендер муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг бир кўринишидир.

Аёлларнинг эркакларга нисбатан узок умр кўриши глобал воқелик сифатида қайд этилади. Аёлларнинг узок умр кўришига нима таъсир этади – психофизиологиясими, организмидаги гинекологик ўзгаришларми, турмуш тарзига муносабатими, маънавий-рухий хусусиятларими – ҳозирча аниқланмаган. Аёл ҳаётни, фарзандларини чин дилдан, бутун вужуди билан севгани учун узокроқ умр кўради. Эркак ҳаётни, айникса ўз умрини қадрламайди, у мудом стресс ва хавф-хатарда яшайди. Обрў, мансаб, унвон, пул топиш, мудом ўзининг ноодатий ақл, куч, салоҳиятга эга эканини исботлашга интилиш стресс ва хавф-хатарларни келтириб чиқаради.

Аёлда ҳаётни асраш инстинкти кучлидир. У фарзанд қандай изтироблар эвазига дунёга келишини яхши билади. Агар аёл ҳаётни қадрламаса, ўз фарзандларидан воз кечса, билингки, бу жамиятда аёлга муносабат ғайриинсонийдир. Ҳеч бир соғлом аёл фарзандидан воз кечмайди, унга ўлим тиламайди.

Эркакларнинг ҳаммаси ҳам мустақил, қонхўр ёки ма-няк бўлавермайди, лекин эркакда куч ишлатишга мойиллик борлигини сезиш қийин эмас. Барча урушларнинг ташаббускорлари эркаклар ҳисобланади. Гендер муносабатларда-ги кескинликларнинг боисини ҳам эркакка хос ушбу хислат-

дан топиш мумкин.

Гендер стереотиплар ижтимоий мухит, тараққиёт маҳсулидир. Биологик омиллар уларнинг шаклланишига бевосита таъсир этмайди. Ҳатто трансплантация орқали жинсини ўзгартирган шахслар ҳам гендер стереотиплардан қутуолмайдилар. Биологик хусусиятларнинг ўзгариши гендер стереотипларнинг ҳам ўзгаришига (аслида шундай ўзгаришга эришиш мақсадида жинсни ўзгартиришади) олиб келавермайди. Тўғри, айрим бир белгилар (кийиниш, бўяниш ва ҳоказолар ўзгариши мумкин, лекин бутун гендер стереотиплар ўзгармайди.

Демократлашув жараёнлари, аввало, гендер стереотипларга таъсир этади. Аёлларга хос фикрлаш, муносабат, ҳаёт тарзи эркакларга ўтиши ёки, аксинча, аёллар эркакларга хос стереотипларни қабул қилиш мумкин. Лекин улар ҳеч қачон ижтимоий-сиёсий жараёнлар каби тез рўй бермайди. Бу борада зўрлаш фақат аёл ва эркак ўртасидаги уйғунликка зарар етказади, холос.

Ҳар бир киши ҳаётда нафақат ижтимоий, шунингдек, гендер ролларига ҳам эга. Биз гендер ролларини бажаришига караб, кишиларнинг ҳаёт тарзи, фазилатлари, умуман, инсон, шахс сифатида баҳолаймиз. Аслида бу нотўғри. Гендер ролларнинг бажарилиши эмас, балки ижтимоий-инсоний вазифаларнинг бажарилиши асосий мезон бўлиши зарур. Лекин бу ҳали гендер қарашлар ва одатлар ҳукмон жамиятда яшапмиз, демак, кишиларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаганда ҳам уларнинг гендер ролларини бажаришидан келиб чиқишига мажбурмиз. Демократик қадриятлар қарор топа борган сари бундай ёндашиш кишилар онгидан сиккиб чиқарилади.

Дин ижобий воқелик сифатида инсоннинг борлиқдаги ўрнини англашга, ундаги илоҳий сифатларни қадрлашга ўргатади. Шу билан биргага у аёлларни дискриминация қилишга ҳам йўл очиб берди. Деярли барча динлар аёлдан эркакни устун қўяди, аёлнинг вазифаларини эркак эрки, иродаси ва

мақсадларига мувофиқ чегаралайди. Ўрта асрларда, айниңа схоластика, мутаассиблик авж олган даврларда диннинг аёл эрки, фаоллигини чегаралаш, уни турли гуноҳларда айблашга интилиши кузатилган. Бугун дин ушбу анъаналарни қайта тиклай олмайди, бироқ турли сабаблар билан уларни тарғиб этаётган кучлар мавжуд. Айрим китобларда аёлга қарата эркак олдида “оғзингга тош сол”, аёлнинг “нуқтадай гуноҳи эрларнинг юз гуноҳидан оғирроқ, оғриқлироқдир” дейиш қайта такрорланмокда. Ана шунда аёл шарқона анъаналарга содиқлигини намоён этар эмиш...

Ислом дини эркаклар майлига қарши чиқмасликни, ҳар қандай ҳолатда уларнинг истагини қондиришни аёл зиммасига бурч қилиб юклайди. Бу ўринда “жаннат оналар оёғи остидадир” деган даъват билан юқоридаги бурчнинг мунофиқлиги кўзга ташланади. Ислом аёллар тенглигини патриархал муносасабатлар талабларига мувофиқ ўрнатиш тарафдоридир, демократия эса бу масалада бирор диний ақидаларнинг ҳукмонлик қилишини истамайди. Демократия учун мафкуравий нормаларнинг эмас, балки инсон хукуқларини тан олувчи умуминсоний қадриятларнинг реал вокеликка айланиши мухимдир. Шунинг учун ҳеч бир дин гендер тенгликни ўрнатишга мутлақо даъвогар бўлолмайди.

Мусулмон мамлакатларида камдан-кам аёл ўз ихтиёрига мувофиқ ҳаёт ва фаолият тарзини танлайди. Агар Беназир Бхутто ислом анъаналари тарафдорларининг талабларига итоат этганида ҳеч қачон Покистон бош вазири бўлломасди. Айнан Ислом демократик альянси арбоблари, аёл мусулмон давлатини бошқариши мумкин эмас, деб эълон қиласидилар. Лекин оддий кишилар уни қўллаб-қувватлаган. Б.Бхуттонинг сиёсий фаолият билан шуғулланишига, шубҳасиз, унинг АҚШда яшагани ва таълим олгани таъсир этган. Отасининг тавсиясига мувофиқ, у Наполеон, Линкольн, Мао Цзэдун каби дунё сиёсий ҳаётига таъсир этган шахслар ҳаётини ўрганган. Ушбу мисол кўрсатадики, мил-

лати ва келиб чиқишидан қатыи назар, аёл билим олган, ижтимоий қўллаб-қувватланган мухитда йирик давлат арбоби, сиёсатчи, халқаро ҳаракатлар ташкилотчисига айланиши мумкин.

Гендер муносабатларининг демократлашуви жамиятнинг демократлашувидан айрича кечмайди, улар бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлардир. Аммо, гендер муносабатларининг демократлашуви жамиятдан узок, зиддиятли кечади. Жамият муносабатларини йўлга қўювчи сиёсий-хукуқий механизмларни тез яратиш ва аёлга тез тадбиқ этиш мумкин, бироқ шундай механизмларни оиласа нисбатан яратиш, айниқса уларни оиласавий муносабатларга жорий этиш қийин, чунки уларда шундай мураккаб томонлар борки, уларни ҳеч бир жамият тўла назорат этолмайди. Аслида ҳам аёллар дискриминациясини гендер муносабатларининг демократлашувисиз бартараф этиб бўлмайди.

Ҳаёт тасодиф ва таҳликаларга тўла. Кейинги 20 йил ичидаги ислоҳотлар, фуқароларнинг адолат тилаб майдонга чиқишлиари, авж олаётган коррупция ушбу хавф-хатарларни янада кўпайтирди. Айниқса, халқ мулкларининг ўзлаштирилиши эвазига тор гурухлар — олигархларнинг пайдо бўлиши инсоният ҳаётини, тинчликни, кишилар қалбидаги азалий-инсоний туйғуларни хавф остига қўйди. Бугун “эзгулик”, “адолат” ва “тengлик” тушунчалари лексиконда сиқилиб, улар ўрнига “доллар”, “секс”, “мулк” деган сўзлар шиддат билан кириб келмоқда. Аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлар ҳам ушбу тушунчалар орқали йўлга қўйилмоқда.

Ижтимоий-сиёсий ва хукуқий нуқтаи назардан аёл ва эркак tengdir; бу соҳаларда гендер фарқларга урғу бериш мумкин эмас. Таълим-тарбия олишда ҳам аёл ва эркак teng хукуқларга эга, аммо иқтидорни ривожлантириш жараёнлари гендер фарқларни ҳисобга олишга мажбурдир. Педагогика нафақат ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини, худди шунингдек, гендер фарқларни ҳам ҳисобга олиши

даркор. Бу аёл ва эркакни бир-бирига қарши қўйиш учун эмас, балки ҳар бир жинсда табиий интилишларига мос келадиган жиҳатлар, фазилатларни ривожлантириш учун керак. Ана шунда педагогика ҳам схоластик ёндашувлардан воз кечиб, янги поғонага кўтарилиши мумкин.

Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фоллигини оширишга қаратилган феминистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Агар давлат ва жамиятни аёллар бошқарса, зўравонлик, қирғин ва урушлар бўлмайди деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ ушбу қарашлардаги аёлларни эркаклардан ажратиш, ҳатто улардан устун қўйишга интилишларни қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Конфронтация эмас, консенсус, устунликка интилиш эмас, балки ижодий мусобақа, интеллектуал рақобат керак. Аёл билан эркак ўртасидаги фарқларни матриархат муносабатларни яратиш билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳар қандай феминизм аёл ва эркак ўртасидаги гармонияни мустаҳкамлаш, ривожлантиришга хизмат қилиши вожиб.

Дискриминацияни бартараф этиш эркак жинсидан мутлақ воз кечишига даъват бўлолмайди. Баъзи тадқиқотчилар дискриминациянинг боисини жинсларда кўрадилар, бу эса уларни ё эркак, ё аёлни тарих саҳнасидан тушириб қолдириш ғоясини илгари суришга олиб келади. Масалан, Л.П.Кочеткова, аёлнинг комил инсон бўлишига, ҳатто алподам (сверхчеловек) даражасига кўтарилишига эркак халақит беради, аёлни туғишига ундейдиган, мажбур қиладиган ҳам эркақдир, айнан у тенгсизлик низолар ва кишилар ўртасидаги келишмовчиликлар сабабчисидир, деган фикрга келади (қаранг: Т.В.Бендас, с. 24). Олима эркак бўлмаган жамиятни, аёлнинг ернинг тортишиш кучини вакт, мақонни енгиб сайёralар узра учиб юришини орзу қилади. Күёш тизимининг кучини ўзига жо этган аёл ҳеч қачон ўлмайдиган, мутлақ тирик мавжудотга айланади, сўнаётган Кўёш ўрнига янада кудратли энергия манбаини топади... XX асрда авж олган

фантастика-триллер жанрини Л.П.Кочеткова бошлаб берганга ўхшайды.

Л.П.Кочеткованинг фикрларида Фр.Ницшенинг таъсири борлиги кўзга ташланади. Нима учун эркак алподам (сверхчеловек) бўлиши мумкину аёл бундай шахс бўлолмайди? Ха, аёл эркак-алподамдан ўзиб, борлиқнинг олий чўққисига чиқиши, Куёш тизимидағи барча энергияни ўз вужудига жо этиб, бошқа коинотларга учиб ўтиши мумкин. Бундай аёл алподам бир силкиниши билан ўзга сайёрага бориб қўниши метагалактикаларда яшаш учун зарур янги энергия манба топиши мумкин. “Бутун коинот, метагалактикаларни аёл бошқаради, ушбу борлиқда эркакка жой йўқ...”

Фр.Ницшенинг алподами ҳам бундай ғайриинсоний фикрларни илгари сурмаган.

Гендер тадқиқотлари кўрсатадики, аёл ва эркак тенг ҳукуқлигини, феминистик ҳаракатлар қанча авж олсада, эркакларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва қўллаб-кувватлашисиз амалга ошириб бўлмайди. Аёллар жамиятнинг ярмини ташкил этгани улар истаклари ва талаблари ўзидан-ўзи рўёбга чиқишини англатмайди. Агар феминистларнинг хоҳиш ва талаблари тез амалга ошганида Европада дискриминациядан аллақачон кутулган бўларди. Улар нафақат Европада, балки бутун дунёда гендер тенгликни қарор топтирган бўлардилар. Демак, гендер тенгликни эркакларнинг қўллаб-кувватлашисиз амалга ошириш қийин. Шундай қўллаш-кувватлаш бўлмаса, феминистларнинг талаблари ҳам, ижтимоий-сиёсий омиллар ҳам гендер тенглигини таъминлай олмайди.

Эркакларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги аксиома бўлиб қолмоқда. Ушбу омилни, реалликни ҳисобга олмаслик ҳар қандай гендер тенглик ҳақидаги ғояни йўққа чиқаради. Демак, гендер тенглик аёл жинсига тааллуқли воқелик эмас, у ҳар иккала жинс ҳаётига тааллуқли инсоний муаммодир.

Минг афсуски, баъзи феминистлар ва дискримина-

цияни бартараф этиш тарафдорлари гендер нотенгликдан кутулишни аёллар иши сифатида қарайдилар, эркакларнинг ижтимоий ҳаётда етакчи роль ўйнаётганига навбатдаги дискриминациянинг кўриниши сифатида қарайдилар. Дискриминацияни бартараф этиш учун аёлларнинг фаоллиги қанча муҳим бўлса, улар ҳаракатларини эркакларнинг қўллаб-кувватлаши ҳам шунча муҳимдир.

Дискриминация эркакларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, Хитойда ҳар йили миллионга яқин эркак хотинидан ажрашиш ташаббуси билан чиқади, сабаби – хотинлари уларни урап экан. Японияда эса аёллар эрларини уй юмушларини бажаришга мажбур қиласар, аммо ижтимоий ҳаётда улар эркакларга итоат этиш, эркаклар раҳбарлик қилаётган муассасаларда ишлашни маъқул кўрар эканлар. Дискриминация кузатилмайдиган Скандинавия мамлакатларида эса ахолининг ўсиши сезилмайди, чамаси фарзанд кўриш ёки кўрмасликни аёлнинг ўзи ҳал этади. Дискриминация яққол кўзга ташланадиган давлатларда эса ўсиш каттадир. Демак, ахолининг ўсиши ҳам гендер муносабатлар билан боғлиқдир.

Таълим-тарбия шахснинг ўз хуқуқларидан хабардор бўлиши, ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун ўзи ҳам курашиши зарурлигини англаб этишига ёрдам беради. Аммо гендер нотенгликни бартараф этиш факат таълим-тарбияга боғлиқ эмас. XX асрда таълим умумхалқ мулкига айланди, олий малакали мутахассис бўлиш оддий кишиларга ҳам насиб этди, лекин дискриминация тўла тугатилмайди. Айниқса аёлларни дискриминация қилишнинг янги кўринишлари пайдо бўлди.

Шундай фикрни сиёсий-хуқуқий омилларга нисбатан ҳам билдириш мумкин. Демак, гендер нотенглик қўп омилли вокеликдир, уни бартараф этиш узоқ аниқ мақсадга йўналтирилган аниқ тадбирларни тақозо этади. Улар ичига аёлларнинг билимини, саводини ошириш, сиёсий-хуқуқий

имкониятларни кенгайтириш ҳам киради.

Жамиятда норозиликларнинг йўқлиги демократия, гендер тенглик тантанасининг ифодаси бўлавермайди. Гендер нотенглиги бутун тузумнинг ҳолати, хусусияти бўлганида кўпчилик гендер нотенгликни табиий ҳол сифатида қабул қиласи ва гендер стереотипларни ўзгартиришни хаёлига келтирмайди. Шунинг учун гендер нотенглик умумий норозилик, исён ва иш ташлашларни юзага келтирмаган, у шахслараро муносабат поғонасидаги муаммо сифатида қўйилмокда, демак, инсоният янги муносабатларнинг шаклланиши арафасида турибди. Тинч, тадрижий йўллар билан шаклланадиган муносабатларни (бу ҳақда ҳеч ким аниқ башорат қилолмайди) – келажак кўрсатади. Чунки бундай радикал ўзгаришлар силлиқ, осон ва зиддиятларсиз амалга ошмаган.

Гендер нотенгликни бартараф этиш демократия учун курашнинг таркибий қисмига айланмаган. Кўпгина халқлар, кишилар гендер нотенглик борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ахборотлашиш жараёнларининг таъсири туфайли халқлар, кишилар гендер нотенгликнинг глобал воқелик эканини англаб етмокда. Айниқса, аёллар савдоси авж олаётган ҳозирги даврда гендер нотенгликка қарши кураш давлатлар, халқаро ташкилотлар ва феминистик ҳаракатларнинг глобал миқёсда уюшишини тақозо этади. Минг афсуски, бундай уюшиш ҳам ихтиёрий тарзда рўй бермайди, ўз мавқеи, ҳокимияти, олаётган даромадларини турли баҳоналар билан оқлаб, нотенгликнинг янги-янги қўринишларини кашф этишга тайёр кучлар етарлича топилади. Хўш, ким гендер нотенгликни бартараф этишга глобал миқёсда бошчилик қилиши мумкин?

Бир хил вазифани ёки ролни аёл бошқача, эркак бошқача ижро этади. Ҳатто ушбу вазифага қўйилган талаб, норма, ҳаракат доираси уларнинг иккаласи учун ҳам айнан бир бўлса-да, аёлнинг ҳатти-ҳаракатлари эркакни-

кидан фарқ қиласи. Демак, аёл ва эркак гендер ролларини турлича қабул қиласилар ва бажарадилар. Ушбу фарқларни гендер психологияси, аёл ва эркакдаги ҳаётий тажрибанинг ҳар хиллиги, этномаданий мухит таъсири кабилар билан изоҳлаш мумкин. Бироқ гендер ролларни ижро этишдаги гендер фарқлар аёл ва эркакни бир-бирига қарши қўйишга асос бўлолмайди. Майли, биз ҳар хилмиз, лекин биз ягона, яъни инсонмиз.

Аёл ва эркак мудом бир хил ролларни бажаравермайди, уларга вазиятга мослашиш, ролларни бажариш усулларини, тактикасини ўзгартириш ҳам хосдир. Улар оилада бошқа ролларни, кўчада, корхонасида, дўкон ёки бозорда бошқа ролларни бажарадилар. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам уларга хос гендер стереотиплар мавжуддир. Ушбу стереотиплар аёл ва эркакнинг ёши, ҳаётий тажрибаси, психологияси, маданияти, билими, дунёқараши каби кўпдан кўп омиллар билан боғланиб, чатишиб кетади. Қотиб қолган гендер роллар йўқ, улар мудом вазиятга мувофиқ трансформацияга учраб туради. Аслида демократик жамиятда гендер роллар динамик хусусиятга эга бўлади, уларнинг эгилувчанлиги, мосланувчанлиги аёл ва эркакнинг муросада яшашини таъминлайди.

Тадқиқотлардан маълумки, гендер роллар ҳакидаги илк тасаввурлар 4 ёшдан кейин пайдо бўлади.

Бу ёшдаги ўғил болалар одатда ота, ака, амаки, қиз болалар эса она, эркак (ота ёки амаки), хола ролини бажариши истайдилар. 7 ёшга етгач гендер роллар аниқ тасаввур этилади.

Ўғил болалар она, хола ролларини бажариши мумкинлигини эътироф этсалар-да, ўғил бола бўлиб қолишни истайдилар. Қиз болалар эса эркак ролини бажариши маъқул кўрадилар. Бундан ушбу мухитда эркак юқори мавқега экани маълум бўлади.

Катта ёшдаги кишиларда ҳам шундай истаклар учрай-

ди. Масалан, аёллар эркак бўлиб туғилмаганларини гоҳо афсус билан қайд этадилар, лекин эркаклар орасида аёл бўлиб туғилмаганига пушаймон учрамайди.

Гендер фарқлар аёл ва эркакнинг ўз “Мен”ига муносабатларида ҳам намоён бўлади. “Мен” ҳақидаги илк тасаввур жинслар ҳақидаги илк тасаввурлар билан бирга юзага келади. Тўғри, 1-2 ёшларда ҳам болаларнинг бир-биридан ўзиш ёки ўзининг нарсаларини ҳимоя қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этиши кузатилади. Лекин улар ҳали “Мен” эмас. 7 ёшига етганда “Мен” тан олинадиган ва қайта-қайта такрорланадиган воқеликка айланади. Айнан шу ёшда болаларда гендер роллар ҳақида аниқ тасаввурлар шаклланади. Балоғат ёшига етгунча қизлар ўз “Мен”ини ўғил болалардан кўра яхши тушунадилар ва ҳимоя қиладилар. Кейинчалик психофизиологик этномаданий омиллар таъсирида эркаклар “Мен”и устун кела бошлайди. Аёллар “Мен”ини оиласи ва фарзандларининг “Биз”ига сингдириб юборади. Улар “Мен” иборасини ишлатганида “Биз”ни назарда тутади. Эркак ижтимоий ҳаётга аралашган ва маълум бир ролни бажарган сайин, ўз “Мен”ини мустаҳкамлашга интилади. У ижтимоий ролини бажаришда фойдаланган “Мен”идан кечишга мажбур бўлганида ҳам, уни оиласида сақлаб қолади.

Ўғил болаларда ўз “Мен”ини намоён қилиш, мустақил бўлишга интилиш мактабдаёқ аниқ кўзга ташланади. Дарсга кечикиб келиш, тартибни бузиш, шўхлик ва ҳаракатчанликни талаб этадиган ўйинларда қатнашиш, ўқитувчиларга турли, гоҳо ёшига мос келмайдиган саволлар бериш, дафтарларни пала-партиш тутиш кўпроқ ўғил болаларга хосдир. Улар катталар белгилаб кўйган тартиблардан ташқарига чиқиш, мустақил бўлишга интилиш истаги билан боғлиқдир. Қиз болалар ўқитувчиларга ёқиши, топшириқларни тўла бажариш, дарсда жим ўтириш, дафтарларни озода тутишни маъкул кўрадилар. Катталарнинг “Қиз боласан, уят” деган даккиси уларда итоатгўйлик туйғусини шакллантиради.

Шунинг учун ҳам хотин-қизлардан мавжуд муносабатлар ва анъаналарни ўзгартиришга даъват этувчи ислоҳотчилар чиқмаган.

Ҳис-туйғуга берилиш аёлни ташқи ҳаётга очиқ намоён этади. Ташқи ҳаётга, энг аввало, унинг фарзандлари, қариндошлари, жиян, ака-укалари киради. Шу билан бирга аёлдаги очиқлик уни бошқа кишиларнинг изтиробларига, дардларигаякинлаштиради. Бу эзгу фазилатнинг тагида аёлга хос ҳамдардлик ётса-да, аёл ҳис-туйғулари асосан кимларга қаратилганини ҳеч унутмайди. Ҳамдардлик альтруизмга ун-даса-да, у ҳар доим ҳам альтруистга айланавермайди. Бироқ инсонпарварликни ҳаёт тарзига айлантирмоқчи бўлган ҳар бир жамият аёлдаги очиқлик, ҳамдардлик туйғусидан фойдаланиши зарур. Акс ҳолда аёлнинг очиқлиги фисқу фасод, фийбат тўқиши ва тарқатишга айланади. Қариндош-уруғлар ўртасидаги оилавий бегоналашувнинг юзага келишига асосан ана шундай фисқу фасод ва фийбатлар сабабчидир.

Мутахассисларнинг фикрича, интеллектда гендер фарқлар кузатилмайди; билим олишда аёл ва эркак teng иқтидорлидирлар. Шунинг учун ҳам мактаб ва ўкув юртлари дастурлари гендер фарқларни ҳисобга олмайди. Бу сиёсий-хуқуқий нуқтаи назардан тўғри, аммо интеллект, иқтидорни ривожланиш нуқтаи назаридан ноўрин ҳолдир. Агар жинслардаги ўзига хосликлар ҳисобга олинганда педагогика инсон иқтидорини ривожлантиришнинг самарали йўлини топган бўлармиди. Гендер ўзига хосликларни ҳисобга олмаслик ўртамиёна шахсни, ўртамиёна мутахассисни ёзиш, ўқиш, фикрлашда нўноқ ва чаламуллаларни келтириб чиқараётган боислардан биридир.

Тадбиркорлик, бизнес мусулмон аёллари учун мутлақ янгилиkdir. Уларнинг бизнес оламида фаол қатнашиши осон кечмайди. Биринчидан, уларга жамиятдаги анъанавий дискриминацион қарашларни енгишга тўғри келади. Асрлар давомида шаклланган ушбу қарашларни енгиши учун

аёл аёллик хусусиятларини гоҳо унудиши зарур. Иккинчидан, тадбиркорлик, бизнес оламининг ўз қоидалари ва усуллари бор, уларни эркаклар ўйлаб топади. Ўз оиласини, тагин 4-5 кишини иш билан таъминлайдиган тадбиркор аёл бизнес олами учун хавф уйғотмайди. Лекин у кенгроқ доирега чиқиши биланоқ эркаклар яратган тартибларга рўпара келади, унинг тақдирини ушбу тартиблар ҳал этади. Буни ахлоқий нуқтаи назардан “рақобат” дейишади.

Ҳар икки ҳолда ҳам аёлнинг ўзлигини намоён қилиши кескин тўқнашувлар орқали содир бўлади.

Эркак фикрлашда хусусийдан умумийга ўтишни тез амалга оширади. У муаммони умумий ёки узоқ келажак манфаати нуқтаи назаридан ҳал этади, майда жиҳатларга эътибор бермайди. Уни ички хусусиятларни билмаслиқда айблаш мумкин.

Аёл хусусийни яхши билади. Бор илми, дунёқараши хусусий атрофидадир. Узоқни кўра олмаслиқ, умумий мушоҳадада заифлик, саёзлик аёл ақлу идрокига хос сифатлардир. Шунинг учун ҳам фалсафа ёки жамиятшунослик фанларига бирор эътиборли ҳисса қўшган аёл учрамайди.

Меҳнат деганида эркак оғир қўл меҳнатини, аёл эса уй юмушларини тушунади. Эркак назарида уй юмушлари билан боғлиқ меҳнат аслида дискриминацион қарашдир. Эшик ғижирлашининг боисини аёл тополмайди, уни тузатиш аёл учун оғир меҳнатдир. Эркак ошиқ-мошиқни мойлаб гиҷирлашни йўқ қиласди, бу унинг учун меҳнат эмас, балки ақлни жиндек ишлатиш холос.

Дам олишни эркак кўпинча “ҳеч нима” қилмаслиқда деб тушунади. Оёғини чўзиб ётиш, илмий тил билан айтганда, “пассив дам олиш» эркаклар орасида кенг тарқалган. Бу билан улар жисмоний меҳнатга мойиллигини ифода этадилар. Интеллектуал фаолият билан шуғулланувчилар ҳамкаслари билан сухбат қуриш ёки спортнинг бирор тури билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Лекин спорт билан

мунтазам шуғулланиш ҳали анъанага айланмаган. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам дам олиши онларида телетомошалар кўришга интиладилар. Телевидение дам олишнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Газета, журнал ва китоб ўқиш интеллектуал меҳнат билан шуғулланувчилар орасидагина учрайди. Жисмоний меҳнат билан машғул кишилар орасида газета, журнал ёки китоб ўқийдиганлар бугун деярли учрамайди.

Эркакнинг ўзини ўзи баҳолаши билан аёлнинг ўзини ўзи баҳолаши ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Масалан, эркак ўзини ақлли, ҳар қандай тўсиқни енгишга қодир, иродали. бақувват, янгиликни севадиган, аёлларга ёқадиган сийратга эга, узокни кўра оладиган, аёлни эса ақли қисқа, беирода, ўта ювош, жисмонан заиф, барқарорлик ва муқимликни севадиган, тўй, бозорга ўч, ташқи ялтироқ нарсаларни ёқтирадиган, ясаниш ва бўянишга интиладиган, эрининг топганига яшайдиган мавжудот деб билади. Ҳа, аёл аввал ўзини, кейин фарзандларини севади. У, эркак — оила бошлиғи, мен — оила қўриқловчисиман, эр-хотин – қўш хўқиз, деб тақрорлайди. Этномаданий анъаналарни сақлаш ва уларга риоя этишни аёл бурчим деб ҳисоблайди. Аёл кийиниш ва уйини безатишдагина янгиликлар тарафдоридир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, хотин-қизлар билим эгаллашда эркакларга нисбатан фаолдирлар. Улар мавзуларни осонгина эгаллайдилар. Ўқиганларини тўлиқроқ ифода этадилар. Олий ўқув юртларига кириш истаги қизларда ҳар доим юқори бўлган, йигитларнидан қолишимаган. Бироқ улар оила кургач хаётий мақсади, қизиқишилари, билим олишга ташналигини унутадилар, энди бутун диққатини фарзандларига, оиласига қаратадилар. Кўпинча бундай ўзгаришлар эски анъаналар, дискриминацион қарашлар, гоҳо эса аёл организмидаги физиологик ўзгаришлар, хасталиклар туфайли рўй беради. Кетма-кет фарзанд туғиши аёлни бутунлай оилага боғлаб қўяди. Икки бола туқсан аёл олий ўқув

юртида олган билими ва квалификациясини йўқотади, у дипломли, аммо “чала мулла” мутахассисга айланиб қолади. Жамият учун аёлнинг яхши мутахассис бўлгани зарур, лекин аёл ва оила учунчи?... Мана, кескин баҳслар уйғотиб келаётган муаммо!

Аёлни қанча ботир ва довюрак қилиб тарбияламанг у ҳомиладор бўлиб, шифохонага тез-тез қатнагач, ушбу хислатларини йўқотади. Махсус кузатишлар кўрсатадики, шифохоналарда даволанаётганларнинг 70% га яқинини, поликлиникаларга қатновчиларнинг деярли 80% ини хотин-қизлар ташкил этади. Аёл бир йилда ўртacha 35 – 40 кунини даволанишда ўтказади. Айниқса у ижтимоий фаолиятга кўп куч ва вақт ажратиши мумкин йилларда тез-тез шифохоналарга қатнашга мажбур. Ушбу сабаблар ундаги ботирлик ва довюракликни йўқ қилади. У хастадил, кўнгилчан, ювош ва меҳрталаб мавжудотга айланади. Жон оғрифи дилни нағислаштиради, у кишини дардчил ва бошқаларга ҳамдард қилиб қўяди.

Оиланинг ижтимоий-иктисодий қийинчиликларини аёл чуқурроқ ҳис этади, шунинг учун ҳам у барча саъй-ҳаракатлари, турли юмушларни оиласи, фарзандларининг келажаги билан боғлайди. Эрининг меҳнатлари, ўзига бўлган муносабатларини ҳам аёл оиласи, фарзандлари нуқтаи назаридан баҳолайди. Балки шунинг учун ҳам эркак ўзини кўчага, меҳнат жамоасига, давлат ишларига бағишлиайди, чамаси у аёл – оила кўриқчиси эканини инстинктив билади. Ҳатто уйида қолганида ҳам эркак ушбу одатидан воз кечмайди, унинг бутун фикри-зикри оиладан ташқарига, кўчага қаратилган. Тарихда эркакларни уйга, оиласа, бола тарбиясига қайтаришга уринишлар бўлган, лекин улар ижобий натижа бермаган.

Қиз болаларнинг тез ривожланиши ва эрта етилиши уларда гендер нотенгликни пайқашни ҳам тезлаштиради. Махсус тадқиқотлардан маълумки, қиз болалар ўғил бола-

лардан узоклашиш, алоҳида гуруҳлар тузиш, ўз ўйинлари-ни топишга интиладилар. Улар катта бўлган сайин ўзининг “алоҳида”лигини асраш мақсадида гендер стереотипларни яратадилар. Улар кийиниш, ўйнаш, алоҳида ибораларда, ота-оналарининг ролларини кузатишда ва баҳолашда на-моён бўлади.

Қиз болаларнинг алоҳида гуруҳлар, стереотиплар яра-тишга интилиши ўғил болаларда бошқача, кўпинча қарши стереотипларни яратиш истагини кўзгайди. Қиз болалар-даги иноқлик, бир-бирини тез тушуниш ва бир-бирига ҳамдардлик ўғил болаларда куч ишлатиш орқали уларга қарши туриш майлини оширади. Гендер тенглик мавжуд муҳитда эса ўғил болаларда босқинчиликка мойиллик ку-затилмайди, балки улар муросага, аёлга меҳр-муҳаббат би-лан қарашга интиладилар. Лекин бу ўринда кўча, мактаб, ташқи муҳитнинг таъсирларни унутиб бўлмайди, гоҳо улар устунлик қилиши мумкин.

Аёлнинг симпатияси қанчалик чекланган бўлмасин, у эркакнинг эмпатиясини ўзига эргаштиради. Фарзандла-ри, оиласи ҳақида қайғуруш эркакнинг барча ўй-хаёллари-да устун туравермасада, аёл унинг эмпатиясини жиловлаб, чегаралаб туради. Ҳақиқатан ҳам, “Аёл бўлмаганида эркак худо бўларди”. Эркакнинг реал ҳаётдан, насллар ғамидан узоклашмаслиги учун аёл уни ўз туйғуларига, меҳрига “ зан-жирбанд” этган. Аммо барча муаммо шундаки, эркакнинг рухи кенглик истайди, у тўсиқларни ёқтирамайди. Шу боис аёлнинг оиласа оид гап-сўзлари, симпатиясини жиддий қабул қиласкермайди. Гендер муносабатларидаги кескинлик-лар ҳам ушбу зиддиятдан келиб чиқади.

Аёл оиласи ва фарзандларига хавф соладиган таҳликаларнинг ким томонидан, нима сабабга кўра содир этилишини интуитив билади. Ҳаётда бирор ўзгариш бош-ландими, тамом, аёл дарров оиласи ва фарзандларининг ке-лажагини ўйлайди. Эркакни эса, аввало, ўз мавқеи ўйга со-

лади; ўзгаришларнинг мавқеига таъсири қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини фараз қиласи. Аёлнинг фикри-зикри фарзандларига, эркакники эса кўчага, мавқега қаратилгани, бир-бирини инкор қилувчи воқеликлар эмас, аёл ва эркакнинг уйғун ҳаёти уларни бир-бирига боғлаб турди. Бироқ ҳаётимиз онгимиз, амалларимиз дифференциаллашган, чамаси инсон асрлар давомида шаклланган ушбу анъанадан, тажрибадан ҳеч қачон воз кечмайди.

Аёл қалбida илохий иттифоқ, эркак қалбida илохий аҳадлик яшайди. Қандай бўлмасин аёл ён-атрофидан ҳамсуҳбат, ҳамдард қидиради; у учун ёлғиз қолишдан ҳам оғир жазо йўқ. Эркак қалби ёлғизлиқдан маъно, фароғат, омад қидиради, шу боис у аёлни сергаплиқда айблайди. Эркакнинг сергаплиги ҳар доим таажжуб уйғотган, аёлнинг ёлғизликка интилишида эса қандайдир хасталик яширган. Аёл ва эркак қалбидаги илохий куч уларни бир-бирига интилиб, иттифоқни аҳадлик, аҳадликни иттифоқ билан тўлдириб яшашга ундайди. Лекин аёл қалбидаги илохий иттифоқдан, эркак эса илохий аҳадликдан узоққа кетолмайди. Гендер муносабатлардаги фарқлар ҳам аслида шундандир.

Аёл ва эркак ўртасидаги иттифоқ аслида ёлғизликни бартараф этиш мақсадидан келиб чиқади. Ёлғизлик инсон дилини эзади, айниқса аёллар ёлғизликка тоқат қиломайдилар.

Эркакдаги илохий хислатлар унинг ёлғизликка, алоҳида меҳр қўйганидандир. Эркак бутун умри бўйи аҳадликка интилиб яшайди, аҳад яшаш қисмати эканини у билади. Эркакдаги тушкунлик, худо излаш, ривоят ва эрта-кларни севиш ҳам унинг аҳадликка мойиллиги натижасидир. Аёл ёлғизлигини енгиш йўлини қидиради, уни фарзандлари, оиласи, неваралари ёки кўз ёшларидан топади; эркак ёлғизлик билан яшашни маъқул кўради. Ёлғизлик энг садоқатли ҳамроҳ эканини фақат эркак билади.

Ёлғизлик гендер муносабатларининг барометридир. Аёл ёлғизлика чидай олмайди, у ҳар куни, ҳар онда фарзандлари, неваралари, хеч бўлмаганида қўшни аёллар даврасида бўлишни истайди. Ҳақиқатан ҳам аёлсиз ҳаёт, дунё зерикарлидир. Буни аёлнинг ўзи ҳам инстинктив сезади. Эркак эса руҳий-маънавий нуқтаи назардан ёлғизликни севади, ёлғизликдан нажот қидиради. Унинг дунё кезгани ёлғизлик азобидан қутулишга талпинишидир. Дунёни кезишдан тўхтаган эркак худо излайди. Ёлғизлик аёл ва эркак муносабатларидаги фарқларни чуқурлаштиради; агар улар ўртасидаги алоқалар меҳр-муҳаббатда қурилган бўлса, ёлғизлик уларни янада яқинлаштиради, агар аксинча бўлса, эркак дунёдан безиб аҳадликка меҳр қўяди.

Ёшлик ёлғизликни тан олмайди, у қувонч қидиргани-қидирган. Қувонч учун ёшлик ҳатто аҳлоқи ва иффатидан ҳам воз кечишига шайдир. Шунинг учун ёшлик ёлғизлик ҳақида ўйламайди, ё аёл қалби, ўткинчи нарсалардан қувонч қидиради.

Гендер стереотипларга кўра, эркак - жиноятчи, аёл - жабрланувчи. Оммавий ахборот воситаларида, телефильмларда эркакни жангари ролида кўрсатиш ушбу стереотиплар натижасидир. Кўпчилик аёлни жиноятчи ролида кўришига тайёр эмас, у ожиза сифатида мудом жабрланувчиdir. Бу ҳам стереотиплар таъсиридир. Лекин кейинги пайтларда ушбу гендер стереотипларда ўзгаришлар содир бўлаётгани кузатилади. Аёлларнинг иқтисодий, оиласирий ва сексуал жиноятларда қатнашаётгани жамият томонидан кескин қораланмокда. Аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 12% атрофида қолаётган бўлса-да, уларнинг криминал ҳаётга фаол аралашаётгани кузатилади. Энди аёл ожиза эмас, у куч ишлатиш, лақиллатиш, алдаш ёки ўғирлик қилишга қодир шахсга айланиши мумкинлигини намойиш қилмоқда.

Эркак аёлга нисбатан кўп куч-қувват сарфлайди, шу-

нинг учун у кўп ва оқсил моддали таомлар истеъмол қиласи. Баъзан эркақдаги ушбу хусусиятни унинг бўйи, темпераменти, фаолияти билан ҳам боғлашади. Қандай бўлмасин эркакда сергўшт овқат ейишга мойиллик, эҳтиёж кучли. Айнан шунинг учун ҳам у организмида тўплаган қувватни сарфлашга интилади. Сексуал алоқаларнинг ташаббускорлари ҳам эркаклардир. Аёл организмида ҳам қувват йифилади, лекин у ушбу қувватни фарзандларига, уй юмушларига, вербал алоқаларга сарфлайди. Агар аёл организмида йифилган қувватларни сарфлаш имконини тополмаса у кўз ёшларига зўр беради.

Кишининг гапириши билан овқат ейиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Эркак кам гапиради, буни у кўп овқат ейиш билан тўлдиради. Аёл кўп гапиради, шунинг учун у кам овқатланади. Ушбу фаразимизни экспериментал тасдиқлашга асос бўлмаса-да, у тадқиқчиларни изланишга ундаши мумкин. Агар инсон яхлит мавжудот экан, унинг гапириши билан овқатланиши ўртасида нафақат физиологик, шунингдек, психологик боғлиқлик бўлиши аниқдир.

Гендер тенгликни таъминлашда нотенгликни англаш, нотенгликни бартараф этиш механизmlарини ишлаб чиқиш, гендер тенглик идеологиясини яратиш, гендер тенглик идеалларини шакллантириш каби мураккаб босқичларни босиб ўтишга тўғри келади. Улар ичida энг мураккаби гендер нотенгликни англашдир. Онгнинг, анъанавий қарашларнинг зиддиятли ўзгариш хусусияти гендер нотенгликни тез англашга имкон бермайди. Англамаган воқеликни эса ҳаётга кенг жорий этиш қийиндир. Шунинг учун энг аввало аёл ва эркакни инсон сифатида эътироф этувчи гуманистик қарашларни шакллантириш даркор. Жамият гуманистик қадриятларни тараққиёт шарти қилиб танламас экан эгалитар ғоялар қоғозларда қолиб кетаверади.

Мамлакат мустақиллигининг биринчи куниданоқ аёлларимизнинг турмуш шароитини енгил қилиш борасида узлуксиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар олиб

борилмоқда. Чунки, Президентимиз ўзларининг “Она юритимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатdir” китобларида эслатганидек, аёлнинг кайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл юрт рози бўлади.

Мамлакатимизда шундай умум миллий менталитетни шакллантиришимиз керакки, унинг бош тамоилини “аёлни эъзозлаган эркак бахтли бўлади, аёлни ҳурмат қилган миллат бахтли миллат бўлади”, - деган тамойил ташкил қилиши керак.

«Ўзбекистон - ёшлар Республикаси, ёшлар эса бизнинг келажагимиздир. Қиз бола – бу бўлғуси она, фарзандларимизнинг тарбиячиси. Эртанги авлод – бу Ўзбекистонинг келажаги дегани. Қишлоқларимизда, агар қиз бола ўзига муносаб иш топа олмаса, дардини хеч кимга айта олмаса, ўз орзу ниятларини амалга ошира олмаса, бу ҳоким бўладими, прокурор бўладими, бошқа мутасаддилар бўладими, шуни билиб қўйиши керак, – деб ёзди Президент ушбу китобларида, – бу худдики қонунга менсимай қарагандек қабул қилиниши зарур. Ана шу ёш қизларимизнинг ниятларини, албатта, рўёбга чиқариш керак, улар, албатта, бахтли бўлиши керак».

Қизлар, аёллар камолоти учун жамиятда яратилган кенг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий имкониятлар туфайли бугун иқтисодиётнинг реал секторидаги хотин-қизларнинг улуши 47,8 фоизни, жумладан, саноатда – 42,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида – 42,4 фоизни, таълим, маданият, илм-фанда – 72,9 фоизни, соғлиқни сақлаш тизимида – 75,3 фоизнини ташкил этмоқда. Бугун юртимизда салкам икки мингга яқин хотин-қиз фермерлар фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бундан ташқари, бошқарув соҳасида, айниқса, бизнес соҳасини бошқаришда ҳам хотин-қизлар улуши йил сайин ортиб, уларда бошқарувчанлик қобилияти тобора такомиллашиб бормоқда.

Албатта, жамият ҳаётида ҳар бир нарса ва ҳодиса ўз ўрни ва ролига кўра аҳамиятлидир. Шундан келиб чиқан ҳолда, жамият ҳаётида эркаклик ва аёллик мухим қадриятлар сифатида инсоний мазмун билан тобора тўлиб ривожланиб бормоғи ва айни вақтда эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабат шундай гармония касб қилиши керакки, у инсони-ятга гўзаллик ва баҳт ато этсин.

**Н.Маматов**

Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши курашиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига, миллый, меъёрий-хукукий хужжатларга ҳамда Гендер тенглилкка амал килиш.

**Нашрга тайёрловчилар:** В.Р.Аманликов - иктисадчи олим  
Н.Р.Аманликова - Тошкент темир  
йўл муҳандислари институти  
«Тиллар» кафедраси ўқитувчиси

**Дизайнер:** Ў.Тажибоев

Нашриёт лицензияси: АИ -155, 14.08.2009 й.  
Теришга берилди: 30.12.2015 й. Босишга руҳсат этилди: 02.01.2016 й.  
Офсет қофози. Қоғоз бичими 60x84: Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма: Босма тобоги: 4,0 Адади: 7040 дона Буюртма № 12/181

Хизматда фойдаланиш учун

Алишер Навоий номли нашриётда нашрга тайёрланди  
Манзил: 210100, Навоий ш., Навоий қўчаси, 36-уй.

“ADA SERVIS NAVOIY” МЧЖ босмахонасида  
босилди. Корхона манзили: Навоий шаҳри, Халқлар  
дўстлиги қўчаси, 44-а уй.

